




ТОШКЕНТ

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

ОҚШОМИ

№ 128 (9.018)

1997 йил

10 ноябрь, душанба

Сотувда эркин нархда

Хорижий сармоялар — иқтисодиётга

Икки ойлик

ТОШКЕНТНИНГ КЎРКАМ ПОЙАБЗАЛЛАРИ



Мамлакатимиз энгил саноати тармоғида хорижий сармоялар жалб этилган ҳолда ташкил этилган 12 та қўшма корхонадан 4 таси пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Яқиндагина иш бошлаган иккита қўшма корхона шулар жумласидандир.

Улардан бири «Алта» ишлаб чиқариш майдон-Франция — Франция қўшма корхонаси замонавий эркаклар ва аёллар пойабзали ишлаб чиқаради. Унинг қуввати йилга 810 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Қўшма корхонадан 1 миллион 767 минг АҚШ долларини ташкил этадиган низоом жамғармасига муассислар — «Тошкент пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси» ҳис-

ишланган. Кредитни 5 йил муддатга Европа тараққиёт ва тикланиш банки берди. Қўшма корхона келгуси йилдан бошлаб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳақида 50 фоизини экспорт қилишни мўлжаллаётган. Шу ҳисобга ишлаб топиладиган валюта кредитни қайтаришигина эмас, балки ишлаб чи-



қаришни янада ривожлантиришни ҳам таъминлайди. Қўшма корхонанинг тантанали очил маросимида сўзга чиққан Фран-

циянинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси Жан-Клод Ришар жуда қисқа муддатда



амалга оширилган бу лойиҳа давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришда янги қадам бўлганини таъкидлаб ўтди. Ўрни келганда шуни ҳам айтиш лозимки, Франциялик ишбилармонлар Ўзбекистонда бошқа лойиҳаларни ҳам, шу жумладан пахта, чармни қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқаришларни ташкил этишга ҳам тайёрлар.

Низоом жамғармаси 1,4 миллион доллардан иборат бўлган «МК-Стил» Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонасининг лойиҳа этилиши эса «Ўзбекенгилсаноат» ассоциацияси, Тошкент пойабзал бирлашмаси ва Чехиянинг «Меко»

компанияси сазй-ҳаракатлари натижаси бўлди. У эркаклар пойабзали ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Қўшма корхонада ҳар йили 200 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқариш қувватлари мавжуд. Чехиялик шериқлар машина-ускуналар, хом ашё етказиб бердилар ҳамда ишлаб чиқаришга замонавий технологияни жорий этиш чора-тадбирларини кўрдилар.

Бу республикаимизда фаолият кўрсатаётган йигирма тўртинчи Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонаси бўлди. Чехия банклари мамлакатимиз иқтисодиётига сармоялар жалб этилиши учун кредитлар ажратиб бермоқдалар.

Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий сармоялар-

нинг жалб этилиши энгил саноат барча тармоқлари қатори пойабзал ишлаб чиқаришни ҳам жадал ривожлантириш, янада муҳими жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайди. Эндиликда Тошкент пойабзаллари жаҳон бозорида ҳам харадорли бўлиши шубҳасиздир.

Озода ХАЛИЛОВА.
СУРАТЛАРДА: «Тошкент пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмаси» ҳиссасдорлик жамиятида иш бошлаган иккита қўшма корхона фаолиятдан лавҳалар.

Рашид Галиев
олган суратлар.

ОБОДОНЛАШТИРИШ ҲАШАРИ

7 ноябрь кунги чилонзорликлар туман миқёсида кенг кўламда ўтказилган ободонлаштириш ҳашарида фаол иштирок этишди. Биз билан суҳбатда «Экосан» халқаро жамғармаси Чилонзор тумани бўлимининг директори Баҳром ака Эшқувватов ушбу тадбир тўғрисида куйидагиларни гапириб берди:

— Шаҳар ҳудудини янада ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитар ҳолатини яхшилаш мақсадида икки ойлик ўтказиш тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қарорига мувофиқ бизнинг жамғармаимиз Чилонзор туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ушбу орасталик ҳашарини ташкил этди. Унга қўра туман 6 та қисмга бўлиниб, туман ҳокимининг олтига ўринбосари барча ободонлаштириш ишларига раҳбарлиқни ўз зиммаларига олишди. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳашарга Чилонзор тумани ҳудудида жойлашган ҳар бир корхона, ташкилот, тиббиёт ва ўқув муассасалари жалб этилди. Туман ҳудудини ободонлаштириш ва уни қишқи мавсумга тайёрлаш юмушларидан ташқари, туман корхоналарида шу кунги ишлаб чиқаришга маҳсулотлардан тушган барча маблағ «Экосан» жамғармаси туман бўлими ҳисоб рақамига ўтказилади ва келгусида у шаҳар атроф-

муҳитини ҳимоя қилиш мақсадларига сарфланади.

Чикиндиларни ташиб кетиш учун 6-автотранспорт корхонаси, «Тошметроқурилиш» ва «Газчиртранс» автобазалари керакли микдордаги юк машиналари ҳамда юк ортис-тушириш транспортлари билан таъминланди. Бундан ташқари, туман ҳудудида чуқурлар қазилиб, келгусида ўғит сифатида фойдаланиш мумкин бўладиган тўқилган барглари яхшилаб шиббаланиб қўйилди. Шунингдек, маиший чиқиндиларни кундалик ташиш ишига масъул туман автотранспорт корхонаси ҳам машиналардан каттагина ёрдам берди.

Шундай қилиб, пухта режа асосида ташкил қилинган умумтуман ҳашари муваффақиятли ўтди. Эндиликда туман аҳолиси Чилонзор кўчаларидаги озодларчилик ва даҳалар ичидаги тартибни муқим сақлаб турсалар бас.

Ўз муҳбиримиз.

Транспорт

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

«Тошкент — Марказий» шохбекасида йўловчилар қутиш зали таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.

— Бу ерда барча қулайликлар мавжуд, — дейди шохбекат бошлиғи Мансур Ражабов. — Масалан, йўловчиларнинг тамадди қилишлари учун буфет бор. Болалик оилалар эса залнинг ўзида янги чиптахонада исталган йўналишга чип-

та олишлари мумкин. Шунингдек, залга қўйилган иккита телевизордан «Камалак» дастурининг кўрсатувларини томоша қилиш мумкин. Йўловчиларнинг мириқиб дам олишлари учун залга юмшқ диван ва креслолар қўйилган. Девождаги кўргазмалар, хонаки чиройли гуллар кишининг баҳри-дилини онади.

Адҳам ДАМИНОВ.

БУГУНГИ КУН НАФАСИ



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 7 ноябрь кунги «Озодлик» (Прага) радиостанциясининг муҳбирлари Замира Эшонова, Фуқрат Яқвалхужаев ҳамда Буюк Британиянинг Би-Би-Си радиостанцияси Тошкент бюроси муҳбири Пахлавон Тургунов билан учрашди.

• Тошкентда давлат арбоби Шароф Рашидов таваллудининг 80 йиллиги нишонланди. Пойтахтда унга ўрнатилган ҳайкал пойига гуллар қўйилди. Бу ерга келган давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Шароф Рашидовнинг сафдошлари, оила аъзоларини самимий қутлади.

• «Чирқиқшолоқмаш» ҳиссасдорлик жамиятида Германиянинг «Ленкен» фирмаси билан ҳамкорликда дон экиладиган майдонларда ишлатиладиган янги серунум культиватор ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил этилди.

• «Кока-Кола» ичимлиги Тошкент ЛТД қўшма корхонасида кунига 1,5 литрли 720 мингта «Сп-райт» ичимлиги ишлаб чиқарадиган янги ишлаб чиқариш қуввати ишга тушди.

• Марказий банкда пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссиясининг навбатдаги мажлисида нақд пул эмиссиясини қисқартриш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

• 15 ноябрь кунги Навоий вилоятида ҳашар ўтказилиб, унда ишлаб топилган маблағ келгуси йил газета-журналларга ёзилиш жамғармасига ўтказиладиган бўлди.

• Бухоронинг 2500 йиллигига бағишлаб бу ерда Озарбайжон, Қозғистон, Россия ва ўзбекистонлик вакиллар иштирокида «Шарқ дурдонаси» гўзаллик танлови бўлиб ўтди. Унда бухорилиқ Феруза Шарипова ғолиб деб топилди.

• Келгуси йили «Автош» Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонасида турли хил русумдаги 600 та юк автомобили йиғилиши режаланмоқда.

• Навоийда 100 ўринли виллоят болалар шифонаси фойдаланишга топширилди.

ЖАХОНДА

• Лондонда тўртинчи бор «Ўзбекистонда бизнес қилинг» йиллик конференцияси ўтатпти. Жаҳоннинг 35 мамлакатидан 300 дан ортиқ вакил иштирок этаётган Буюк Британия пойтахтидаги ушбу анжуманда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазيري Уткир Султонов раҳбарлигидаги амалий доиралар делегацияси ҳам қатнашмоқда. Ана шу конференция доирасида Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан Сирдарё ГРЭСини қайта таъмирлаш учун 27,8 миллион АҚШ доллари ҳақида кредит қилиниши имзоланди.

• 1998 йил 15 январда парвоз қиладиган АҚШнинг «Шаттл-89» кўп марта фойдаланиладиган космик кемасининг 7 кишидан иборат экипажи таркибиде ўзбек тадқиқотчи-космонавти Солиҳон Шарипов ҳам бўлади. У уч ой давомида АҚШнинг Ҳьюстон шаҳрида машқ ўтказганидан кейин Линдон Жонсон номидаги бошқариладиган парвозлар марказида тайёргарликдан ўтмоқда.

• Бишкекда Хитой, Ўзбекистон ва Қирғизистон давлатлари вакиллари БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки ходимлари иштирокида Шарқий Осиёни Марказий Осиё орқали Европага боғлайдиган янги темир йўли қурилиши лойиҳасини муҳокама қилди.

• Қозғистоннинг пойтахти 8 ноябрда тантанали вазиятда Олмаотадан Оқмолага кўчирилди. Оқмола шаҳри вакиллари Қозғистон Президенти Нурсултон Назарбаевга янги пойтахтнинг рамзий қалитини топширишди. Асос солинганига 167 йил бўлган Оқмолада ҳозирги пайтда 300 минг киши истикомат қилади.

• Кеча Россия Президенти Борис Ельциннинг Хитойга расмий ташрифи бошланди. Унинг якунида икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга қаратилган бир қатор давлатлараро ҳужжатлар имзоланди.

• Бугун Палангада Латвия, Литва ва Эстония Президентларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда ушбу Болтиқбойи раҳбарлари Россиянинг Латвия, Литва ва Эстония ҳафсизлигига янги қафолат бериш тўғрисидаги тақлифларини ҳамда Европа Иттифоқи ва НАТОга интеграция қилиш истикболларини муҳокама этадилар.

• 14 ноябрда Лондонда АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт воситалигида Исроил Бош вазيري Бениамин Нетаняхунинг Фаластин раҳбари Есир Арофат билан бевосита учрашуви ўтказилиши режаланмоқда. У Исроил Шарқий Қуддусда яхудиелар учун янги турар жойлар қуриш режасини эълон қилгандан сўнг узилиб қолган Исроил-Фаластин мунокараларини яна бошлаб юбориш мақсадида ўтказилапти.

• Ироқ Бош вазирининг ўринбосари, Ташқи ишлар вазيري Тарик Азиз агар бугундан эътиборан АҚШнинг «У-2» жосус самолётлари Ироқ ҳудуди устида яна парвозларини бошлайдиган бўлса, улар уриб туширилишини яна бир бор тасдиқлади.

• Хитой давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирокида мамлакатнинг энг йирик Янзи дарёси тўсиди. Бу ерда 17 йилдан бери мисли қурилмаган гидроэлектростанция барпо этилмоқда. 2009 йилда фойдаланишга топширилиши мўлжалланаётган ушбу қурилиш қиймати 25 миллиард доллар микдорда баҳоланяпти. У тула қувват билан ишлай бошлагач, 17 та атом электр станцияси қувватига тенг микдорда электр энергияси ҳосил қилади.

• Вьетнам маъмурлари сўнгги 40 йил давомида энг кучли бўлган «Линда» довули оқибатларини баргараф этишда ёрдам сураб жаҳон ҳамжамияти ҳамда халқаро ташкилотларга мурожаат қилдилар. Ушбу табиий офат мамлакат иқтисодиётига 400 миллион доллар микдорда зиён етказди.

Санъат

ГРУЗИЯДАН ОЛИЙ МУКОФОТ БИЛАН

Грузия пойтахти Тбилиси шаҳрида пианиночиларнинг халқаро кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда дунёнинг 16 мамлакатидан ташриф буюрган таниқли пианиночилар ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Шуни қувонч билан таъкидлаймизки, танловнинг энг олий мукофоти ҳисобланмиш «Гран при» ҳамшаҳримиз Улугбек Полвоновга насиб этди. Созанда томонидан қойилмақом қилиб ижро этилган сержило, мафтункор шарқ мусикалари барчага манзур бўлди. Биз Улугбекдан бундай катта ютуқ сирини сураганимизда, у куйидагича жавоб берди:

— Илмнинг, тарбиянинг, маънавиятнинг пойдевори мактабдан бошланади, дейишади. Халқаро танловнинг олий мукофотида сазовор бўлишимизда Успенский номли мусиқа мактабиде олган билим, сабоқларим ҳамда ҳаётий тажрибам асосий омил бўлди. Грузиялик санъат илхосмандларининг олқишлари эса менга кўтаринки руҳ бағишлаб, катта мадд берди. Кейинги танловларда ҳам мустақил юртимиз шафратини мана шундай муносиб ҳимоя қилишга астойдил ҳаракат қиламан.

Очил ҲАЗРАТОВ.

Обуна — 98

Обуна — 98

МУШТАРИЙЛАР «ОҚШОМ» ҲАҚИДА

Мен «Оқшом»нинг салкам 20 йиллик муҳлисман. Уни севиб ўқишимнинг боиси газета республикаимизда чиқаётган бошқа газеталардан ўзига хос тарзда ажралиб туради.

Бу йил ҳам обуна бўлганим беҳиз эмас. Унинг ҳар бир сонини қизиқиб ўқийман. «Оқшом» саҳифаларида ҳозирги ёшлар ҳаёти, турмуш масалалари, спорт ҳақидаги мақолалар янада кенгроқ ёритилса айни муддао бўларди.

Абдусамат МАДРАХИМОВ, меҳнат фахрийси. Оиламиз билан «Тошкент оқшомини»нинг ҳар бир сонини мунтазам ўқиб борамиз. Газета саҳифаларида бериб борилаётган мақолалар ҳозирги замонамизга ҳам мос.



ҳам хосдир. Турли муаммолар ёритилган ранг-баранг мавзудаги мақолаларни ўқиган ҳар бир инсон кўп томонлама маънавий озиқ олади. Айниқса, «Дам олиш саҳифалари»да бериладиган «Диллашу», «Учрашу», «Турмуш чорраҳаларида» рўқни остидаги мақолалар «Оқшом» шинавандаларини хушнуд этади.

Мадина МУХТОРОВА, Ҳамза театрининг актриси.

«Оқшом»нинг ҳар бир сонини ўқиган газетхон албатта нафақат республикаимизда, балки шаҳримиз ҳақида, унинг туманларида бўлаётган ўзгариш ва янгиликлардан ҳам мунтазам хабардор бўлиб туради. «Шу куннинг нафаси», «Пойтахтнинг бир кун» рўқнлари остидаги хабар ва мақолаларни алоҳида тилга олиб ўтишни лозим деб ўйлайман.

Саидамин УМАРОВ, Тошкент Давлат юридик институтининг катта ўқитувчиси.

Маъмура РЎЗИЕВА ёзиб олди.

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

«Тошкент оқшомини»га Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида чекланмаган микдорда обуна қабул қилинмоқда. Нашр индекси — 209.

Ф.МТ-1

«Ўзбекистон почтаси» Давлат - Акциядорлик компанияси

АБОНЕНТЛИК		газета			
Тошкент				(нашр кўрсаткичи)	
ОҚШОМИ		Обуна соми			
1998 йил учун (ойлар бўйича)					
1	2	3	4	5	6
7	8	9	10	11	12
Қаерга					
(Почта индекси)			(Манзилгоҳ)		
Кимга					
(фамилияси, исми ва отасининг исми)					

НАШРИН ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ					
п. в.		Жойи			
Тошкент					
ОҚШОМИ					
Обуна янги мазмунга эътибори		Баҳоси			
сўми		Обуна соми			
сўми		сўми			
1998 йил учун (ойлар бўйича)					
1	2	3	4	5	6
7	8	9	10	11	12
Қаерга					
(Почта индекси)			(Манзилгоҳ)		
Кимга					
(фамилияси, исми ва отасининг исми)					



Тошкент трактор заводи — 55 ёшда

ТРАКТОРСОЗЛИГИМИЗ БАЙРОҚДОРИ

Эртага — 11 ноябрда «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссасдорлик жамияти ўзининг 55 йиллигини нишонлайди. Ана шу шонли давр мобайнида меҳнат жамоасига давлат аҳамиятига молик улкан ва муҳим вазифаларни ҳал этишга тўғри келди. Шунга қараб корхонанинг номи ҳам ўзгариб борди: 1942 йилда у 274-мувофаз заводи, 1950-1957 йилларда «Тошпахташ», 1957-1969 йилларда «Тошавто-маш», 1969 йилдан — Тошкент трактор заводи, 1982 йилдан «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, 1996 йил октябрдан эса давлат ҳиссасдорлик жамияти, деб аталиб келади.

Бугунги кунда «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссасдорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси машинасозлик корхоналарининг энг йирикларидан бири ҳисобланади. У юқори малакали ишчилар, мутахассислар ва раҳбар ходимлар тайёрлаб берадиган корхона сифатида ҳам шон-шухрат қозongan. Бу яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Исмоил Каримов корхонага ташириб бурганида ҳам эътироф этилди. Давлатимиз раҳбарининг бу ерда бўлиши бутун меҳнат жамоаси учун оламшумул ва унутилмас воқеага айланди.

«КЕЙС» БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА

КОРХОНАДА жаҳоннинг энг машҳур тракторсозлик фирмалари билан ўзаро манфаатли ва кенг қўламли алоқалар ўрнатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бундан бироз илгари тошкентлик тракторсозлар ҳузурида АҚШнинг «Кейс» корпорацияси вакиллари бўлиди. Бўлиб ўтган музокара натижа-сида қўшма корхона ташкил этишга келишилди. Яқин вақт ичида корхонага Американинг бу корпорацияси молия ходимларининг таъсис ҳужжатлари билан келиши кутуляпти. Бу ерда «Кейс» ларни йи-

гиш билан бир қаторда ушбу янги трактор трансмиссияларини тайёрлаш бўйича қўшма корхона ташкил этиш ҳам мўлжалланаяпти. Келгусида эса хорижий шериклар билан кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган қўшма корхона тузиш имкониятлари ўрганилмоқда.

Заводнинг 55 йиллиги арафасида трактор йиғувчеги бош конвейеридан АҚШнинг «Камминз» фирмасы двигателлари ўрнатилган 1001-трактор тушди. Бу шонли санага аjoyиб совға бўлди. «ТТЗ-100К-11.01» русумидаги бу тракторлар аввалгиларидан қудратлилиги билан ажралиб туради. Унинг двигатели 92 от кучи қувватига эга. Янги тракторда ҳайдовчи учун ҳамма қўлайликлар мавжуд. Умуман, унинг ташки қўрилиши ҳам таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетди. Янги трактор қисмлари алоҳида сифатлилиги билан ажралиб туришини ҳам айтиш керак.

Ил охиригача қишлоқ меҳнатқашларига ана шундай тракторлардан яна камида 1 мингта етказиб бериш мўлжалланган. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида эса корхона бош конвейеридан 25 мингинчи трактор тушиши мўлжалланмоқда.

МУЪЖИЗАВИЙ ПОЕЗД

УНИ шундай деб аташга ҳамма асослар бор. «Трактор» махсус конструкторлик бюроси ижодий жамоаси томонидан яратилган бу поезд муъжизагина паровозча ва жуда кўркам тўртта кичкина вагончалардан иборат. Бу вагончаларнинг ҳар бирида 16 йўловчи joyлаша олади.

Ҳақиқийсига ўхшайдиган паровоз «ТТЗ-60» русумидаги тўрт гилдиракли трактор негизда яратилди. Вагончалари ҳам худди унга мос. Ярим очик бундай вагонча-

ларни аэропортларда йўловчиларни самолётга элтиб қўйиш учун фойдаланишини кўрган бўлишингиз керак. Уларда кўчаларда, боғ ичида ҳам сайр қилиш мумкин.

Ушбу поезд Тошкент шаҳар ҳокимлиги буюртмасига мувофиқ мамлакатимиз мустақиллик кунининг 6 йиллигига бағишлаб махсус тайёрланганлигини таъкидлаш жой. У биринчи марта ана шу байрам шодонлиларида йўлга чиқди.

Буюртма жуда қисқа муддат ичида адо этилди. Ана шу фахрли топшириқни бажариш юклатилган ижодий жамоага «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссасдорлик жамиятининг бош директори Владимир Карлов, техника директори Игорь Великий, «Трактор» махсус конструкторлик бюросининг директори Леонид Эйсмонт, унинг ўринбосари Аҳаджон Ҳакимжонов бошчилик қилди. Муъжизавий трактор яратилишида конструкторлик бюросининг бош конструктори Вадим Никитин, лойиҳанинг бош конструкторлари Анатолий Пилипенко ва Александр Иванов, конструктор Анатолий Янчук, ҳисоблаш марказининг бошчилиги Владимир Фесенко, етакчи муҳандис Жавдат Байбури ва бошқаларнинг ҳиссалари катта бўлди.

Паровоз ва вагончалар Владимир Семич раҳбарлик қиладиган таъриба ишлаб чиқаришининг асосий цехида тайёрланди. Бу муъжизавий поездни яратишда моддий-техника таъминоти ва ташқи кооперация бошқармаси, тиркачалар ишлаб чиқариши, ностандарт жиҳозлар, автомат ва бошқа кўпгина цехлар жамоалари ҳам фидокорлик кўрсатдилар.

Поезднинг ўриндиқлари «Совпалстат» қўшма корхонасида, пардозловчи материаллар «Файз» ҳиссасдорлик жамиятида тайёрланди. Уни яратишга шаҳарнинг бошқа корхоналари ҳам улушларини қўшдилар.

ТАБИИЙ ГАЗДА

ЮК МАШИНАЛАРИДАГИ бензинли автомобиль двигателларини дизеллик трактор двигателларига алмаштира бўладими? «Трактор» махсус конструкторлик бюроси ҳамда механика йиғувчеги жамоалари бу саволга ижобий жавоб бериб, олдидарига қўйилган вазифани муваффақиятли ҳал этдилар. Ана шу ўринда бундай зарурат нима учун туғилди, деган савол бўлиши табиийдир. Гап шундаки, ҳо-

зири пайтда республика-мизда карбюраторлик двигателлари умрини ўтаб бўлган 110 мингтадан кўпроқ ЗИЛ-130 ва ГАЗ-53 юк автомобиллари тўпланиб қолган. Уларни ишлаштириш амри маҳолдир. Тижорат фирмаларида ушбу двигателларни таъмирлаш ва ўрнатиш жуда қimmatга тушади.

Шу сабабли бундай юк машиналаридаги двигателларни «Д-243» ва «Д-245» трактор двигателларига алмаштириш гоёси туғилди. Буни амалга ошириш ташаббускори «Трактор» махсус конструкторлик бюросининг ходими Пулат Мирзаахмедов бўлди. У бундай двигателлар жуда тежамкор эканлигини исботлади. Ҳақиқатан ҳам трактор двигателларига нархи қimmat бензиндан икки марта кам арзон дизель ёнилғиси сарфланар экан. Ҳозирги вақтда қишлоқдаги ҳайдовчиларнинг ҳаммаси амалда трактор двигателлари билан жуда яхши таниш. Бу двигателларни таъмирлаш учун ҳам мустаҳкам негиз мавжуд.

Трактор двигателлари афзаллигига қўллаб ташкилотлар ишонч ҳосил қилдилар. Шу сабабли ҳозирги пайтда уларга Тошкент шаҳридан, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм ва бошқа вилоятлардан қўллаб буюртмалар тушяпти.

Бу янгиликни ҳаётга жорий этишда «Автомат» илмий-ишлаб чиқариш маркази корхонага шерик бўлди. Тракторсозлар барча зарур ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошираётган бўлсалар, «Автомат» двигателларни алмаштириш ва уларни давлат автомобиль назоратида руйхатга ўтказиш зиммасига олган.

Бу лойиҳа асосий ишлаб чиқаришга зарар келтирмаган, айна вақтда корхонага иқтисодий самара берган ҳолда амалга оширилляпти. Буюртмачилар эса нисбатан кўп маблаг сарфламасдан тўхтаб турган юк автомобилларидан яна фойдаланиш

имкониятига эга бўлмоқдалар. Қайта жиҳозланган автомобиллар дон ҳосилини йиғиштириб олишда жуда қўл келди. Пахта терими пайтида ҳам улардан кенг фойдаланилмоқда.

Ана шу лойиҳани амалга оширишда цех бошлиғи Анвар Раҳимов, техника бюроси бошлиғи Марат Хидиралиев, ишлаб чиқаришни тайёрлаш хизмати устаси Олим Каримов, таъмирловчи чилангар Йўлчибой Римбоев ва бошқалар жонбозлик кўрсатдилар.

Бугунги кунда «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссасдорлик жамиятида автомобилларни сувоштирилган газда ишлашга ўтказиш устида иш олиб борилмоқда.

ҲАММАСИ ИНСОНЛАР УЧУН

КОРХОНАДА ижтимоий соҳага ҳамма катта эътибор бериб келинган. Айниқса, инсон манфаатлари йил-деб эълон қилинган 1997 йилда бу иш қўламли ортиди.

Ҳиссасдорлик жамиятида аjoyиб жиҳозланган «Трактор» спорт мажмуаси мавжуд. Футбол бўйича миллий биринчилиkning олий лигасида тракторчилар муваффақиятли иштирок этмоқдалар. Тракторсозларнинг маданият саройида турли тадбирлар мунтазам ўтказилиб турилади. Тиббий-санитария қисми ва поликлиника ҳам ишчи-хизматчилар хизматиди.

Қўнда поликлиникада янги тиш даволаш кабинети очилди. У Словакиянинг «Эргастар» фирмасининг энг замонавий ускуналари билан жиҳозланди. Корхона муайян молиявий қийинчиликларига қарамайдан ушбу ускуна икки миллион сўмга харид қилди.

Бу ерда инсон омилининг аҳамиятини жуда яхши билишди. Тракторсозларга яратилаётган қўлайлик ишлаб чиқаришни юксалтириш, янада мукамал қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқаришни қўлайтириш билан ошириб қўлланамиз.

Игорь АЛИМОВ.
СУРАТЛАРДА: «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссасдорлик жамияти фаолиятини дахалар.

Рашид Галиев
олган суратлар.

«Ўз касбингни севсанг, уни ардоқласанг ҳурмат ва эъзоз топасан. Қўлинг-да ишончли бирор хунаринг бўлса, ҳеч қачон хор бўлмайсан. Шунинг учун ўзини бажараётган ишни виждонан бажар, бу сенинг ўз хунарингга ихлосинг бўлса, эртага эса сенинг ишингни кўрганларнинг сенга ихлоси ортади». — Бу гапларни Абдуқаҳҳор ака отаси Фаффор акадан эшитавериб ёдлаб олган эканми, ҳар гал ихлоси баланд шоғирдларига маслаҳат берганида ана шунини қайта-қайта такрорлайди. Чунки ўзи отасининг ана шу насиҳатиға амал қилиб сира кам бўлмади. Касбдошлари, уни таниган-билган барча одамлар у ҳақда, унинг қўли гўл усталиги хусусида фахр-ланиб гапиришади. Бундай эътиборга сазовор бўлиш учун Абдуқаҳҳор ака қарда ишламасини сидқидилдан, жон қўйдириб меҳнат қилди. Натижада йиллар давомида қилинган меҳнат эъзига олинган Фахрий ёрликлар, қimmatли совғалар қаторига юксак мукофот — «Меҳнат шухрати» ордени қўшилди...


мақсадимиз бир — бинони кўрган кўзлар қувонсин, буюртмачилар ишимиздан қўнгиллари тўлсин дейимиз.

Қурилиш бошқармасининг тошкесар-гранитчилар бригадаси аъзолари шахримиздаги масъулиятли қурилишларда ишлашди. Абдуқаҳҳор аканинг шоғирдлари Улугбек Матазимов, Исқандар Эргашев, Валерий Царицянлар устозлари изидан боришмоқда. Улар бажарган ишларни кўрган Абдуқаҳҳор ака издошлари борлигидан қувонади. Устоз ўз шоғирдлари билан биргаликда Марказий универсал магазини ёнида қурилган Марказий банк, телемарказ, «Асакабанк», «Туркистон» саройи бинолари ҳамда Олой, Чорсу бозорлари, «Юнусобод» теннис мажмуаси, шаҳар ҳокимлиги биноси қурилишларида меҳнат қилди. Айни кунда эса Гоголь кўчасида қад ростлаётган Бельарусь Республикаси элчихонаси биносининг пардозлаш ишларини ниҳоясига етказишмоқда.

Биз Абдуқаҳҳор Фаффоров меҳнат

Нишондорларимиз

МЕҲНАТ КЕЛТИРГАН ШУҲРАТ



Абдуқаҳҳор Фаффоров мактабда ўқиб юрган кезларида отаси унинг қурувчиларнинг ишини қизиқиб кузатишини пайқайди. Шу боис бўлса керак, ота фарзандининг бирор касб-хунарининг бошчи мақамга тутишини хоҳлади. Мактабни тугатган Абдуқаҳҳор Тошкент политехника техникумида дурадгорлик касбини эгаллади. Йиғитлик бурчини ўтаб қайтган эса ёғочни қайта ишлаш заводида бир неча йил дасттоҳчи моҳирлик билан бошқариб, янги қурилатган уйлар учун эшиклар ва дераза-роғларни ясади. Лекин унинг хаёлидан уйларни чироили пардозлаш ишларини бажариш ўрин олган эди.

Ана шу истак билан у «Тошкентуниверситети» корпорациясига қарашли «Моҳир бинкор» ҳиссасдорлик жамиятининг 76-қурилиш бошқармасига ишга келди. Мана 20 йилдики шу бошқарманинг тошкесар-гранитчилар бригадасида меҳнат қилиб, илгорлар сафидан ўрин олди. Бугунги кунда бу бригадда 8 киши меҳнат қилади. Уларга таъриблик уста Абдуқаҳҳор Фаффоров бош-қош.

76-қурилиш бошқармасида 300 нафардан ортиқ қурувчи меҳнат қилса, бу жамоада тошкесар-гранитчилар бригадасининг ўзига хос ўрни бор. Бригада аъзолари ўз сардорлари Абдуқаҳҳор Фаффоров етакчилигида ҳар бир ишни сифатли бажаришга одатланишган.

— Қарда ишламайлик ахиллик ишимизга барака киритида, — дейди бригадир фахр билан. — Барча ишни ба-маслаҳат, материалларни ўз ўрнида ишлатиб амалга оширамиз. Ишимизни архитектор ва дизайнерлар билан ҳамкор-ликда олиб боришимиз яхши натижа-лар бермоқда. Чунки баъзида лойиҳада кўрсатилган безаклар амалда тўғри кел-май қолади. Ана ўшанда маслаҳат билан архитектор, дизайнерлар ва биз-нинг усталаримиз ўз фикрларини ўрта-га ташлашади. Лекин ҳаммамизнинг

қилаётган жамоада бўлганимизда у ки-шининг нафақат меҳнатсеварлиги ҳа-қда, балки одамхунлиги, меҳрибон-лиги ва ҳазилини жуда ёқтириши, дўст ва бирдорлари қўлиги тўғрисида ҳам шоғирд ва касбдошлари ўзгача меҳр билан гапиришди.

Муроджон ОТАМУҲАМЕДОВ, бош муҳандис: — Абдуқаҳҳор Фаффоров, менимча бу мукофотга жуда ҳам лойиқ одам. У ҳар қандай мураккаб ишлар-ни чин дилдан бажаради. Ҳали бирор марта унинг бажарган ишдан камчи-лик топилиганини эслай олмаيمان.

Александр ЗУБКОВ, ишбоши: — Иши доимо пухта бўлганини учунми, энг мураккаб ишлар шу кишига топ-ширилади. Чунки ҳамма ўша мурак-каб ишни қўйиллатиб уйдлайди. Ҳам-касбаридан ёрдамни асло аямайди.

Улугбек МАТАЗИМОВ, шоғирд: — Абдуқаҳҳор ака билан 10 йилдан буён ишлайман. У кишидан устоз сифати-да ҳам, ҳамкасб сифатида ҳам жуда кўп нарсаларни ўргандим. Айниқса, у кишидаги ўз касбига меҳр, садоқат менга жуда ёқди. Ана шу меҳр ту-райли эришган бугунги мукофотлари-дан барча бригада аъзоларининг бо-шлари кўкка етди. Бригадамиздаги ҳар бир юмуш устознинг назорати остида бажарилади. Биз шоғирдлар ҳам Аб-дуқаҳҳор Фаффоров эришган ютуқлар-га эришишдек бахт насиб этишини мақсад қилиб ишлаймиз...

Ха, дунёда сен билан бирга яшаёт-ган, меҳнат қилаётган одамларнинг ҳурмат-эътиборини қозонишдек ша-раф бўлмаса керак. Абдуқаҳҳор ака ана шундай шарафга муяссар бўлаёт-ган инсонлардандир.

Шарифа ИЛЁСОВА.

СУРАТДА: Абдуқаҳҳор Фаффоров
ўз ишдан мамнун.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонемента касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт. Обуна ёки манзиллоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзиллоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилди.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзиллоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоида-ларга риоя қилиб тўлдилинг.

Обуна — 98

Обуна — 98

Обуна — 98

Обуна — 98

БАРЧАМИЗНИНГ ҲАМРОҲИМИЗ

«Тошкент оқшом» газетасининг шинавандалари турли ёшда, турли касбда меҳнат қиладиган фуқаролардан таркиб топади. Уларнинг барчаси газетани қўлларига олганда, албатта бизнинг «Оқшом» деб унинг саҳифаларида битилган ибратли сўзларни, бугунги кун воқеаларини, шаҳар миқёсидаги ибрат олса арзиғулик хабарларни меҳр билан ўқишади. Кези келганда жойларда тахриб этишади. «Оқшом»нинг шу кунгача чоп этилган сонлари ҳақида муштарийлар билан суҳбатлашар экан-миз, улар фақат фикр билдирибгина қолмай, таклиф ва мулоҳазаларини ҳам баён этишди.



● **Талъат НУРМУҲАМЕДОВ, Мирзо Улугбек тумани халқ таълими бўлими мудири:** — Донишмандларимизнинг бир нақли бор: «Агар ким ҳаётдан олмаса таълим, унга ўрга-толмас ҳеч бир муаллим». Дар-ҳақиқат шундай экан, мен «Оқшом»ни ҳаётимизнинг бир пар-часи, ёрқин кўзуси деб ҳисоб-лайман. Ҳар бир чоп этилган сониди нимадир оламиз. Жа-моага, оилада фарзандларга, дўстлар даврасида ўқиб фикр алмашишга мавзуни мана шу «Оқшом»дан оламиз. Газета саҳифаларида ма-мунга бой ҳикоятлар, намунали

оилалар таърибаларидан, Аб-дулла Қаҳҳорнинг қизиқ-қизиқ-шингил сатирик асарларига ў-шаган хикоячалардан намуна-лар ўқисак дейман. Шунинг учун ҳам туманимиздаги 40 та ўрта мактабда «Оқшом»га обуна бў-лиши бошлаб юборди.

● **Феруза ПУЛАТОВА, ик-тисодчи:**



— Аёлларимизнинг қувнок, шодон юришларини истайман. Касбим иқтисодчи бўлса ҳам,

севимли газетамиз «Оқшом» са-ҳифаларида қандайдир ўқиш-ни, мураккаб бошқотирмалар-ни ечишни хоҳлайман. Зеро, биз кўпроқ бошқотирмаларни оила-вий бўлиб ечамиз. Икки ўғил, бир қизим ва турмуш ўртоғим билан бирга барча газеталар-даги бошқотирмаларни ўйлаб топишга ҳаракат қиламиз. Ис-тардимки, «Оқшом»нинг келгу-си йилдаги сонларида «Қўлги-хона» саҳифаси ҳамда «Ханда-лар»дан кўпроқ чоп этилса. Шу-нингдек, бошқа давлатларнинг валюталари жаҳон бозориди қандай ўринда эканлиги ҳақи-даги маълумотлар ҳам қириб-борилса, деган таклифи ки-ришмоқчиман.

● **Қиличбек МУСТАФИОЕВ, 47-Йўлнинг маҳалласи оқсо-коли:**

— Маҳаллада бирон бир тад-бир бўладиган бўлса ёки оқсо-колларнинг йиғинида ҳам «Оқшом» билан диллашмасак, қў-ғил жойига тушмайди. Гоҳо иқ-тисодий мавзуда, гоҳо оила муаммолари ҳақида бахslashиб қолсак ҳам яна шу сеvimли га-зетамизга мурожаат этамиз. Очигини айтганда, мулоблага



эмас «Оқшом» оиламизнинг аъзоси, барчамизнинг ҳамро-ҳимиз десак янглишмаймиз. Келгуси йилда ҳам маҳалла-ларнинг фаолияти кенг акс эт-тирилади деган умиддамиз. Фақат аёллар учун эмас, эр-кавлар учун, айнакча отанинг, ўғил боланинг оиладаги бурчи ҳақидаги фойдалар маслаҳат-лар, «Донлар бисотида» ру-ни остидаги ҳикоятлардан бе-рилса, деган истакдамиз.

Муштарийлар билан Гули
АБДУЛЛАЕВА
суҳбатлашди.
Рустам Шарипов
олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника илмий-тадқиқот институтидан айтиш кўнларда талайгина диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Орол денгизининг суви қуриган тубида ўсимликлар қопламини вужудга келтириш борасида олиб борилаётган изланишлар ҳам шулар жумласидандир.

— Ҳозирги пайтда Орол денгизи сувининг етмиш беш фоизи камайиш натижасида денгиз ўн олти ярим метрлик қўламини йўқотди, — дейди институт директори, очилган Орол тубида ўсимликлар қопламини вужудга келтириш бўйича амалга оширилаётган илмий ишларнинг раҳбари Озодбек Ашурметов. — Бунинг оқибатида Орол тубида уч ярим миллион гектардан ортиқ майдонда туз саҳролари пайдо бўлди. Ана шу туз саҳроларининг зарарли оқибатларини тугатиш

ни олишди. Ўсимликлар қопламини вужудга келтириш учун Марказий Осиёда ўсадиган ўта тузга, сувсизлик ва иссиққа чидамли бўлган 100 дан ортиқ ўсимлик тури синовдан ўтказилди. Натижада шу ўсимликлардан 17 хил тури Оролдаги шароитга мослашиб бу ерда ўсимлик қопламини ҳосил қилди.

Энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланган Орол муаммосини имкон қадар ижобий тарафга ҳал этишда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан

Ҳар сафар кексаларга дуч келганимда, улар билан суҳбатлашганимда юрагимни илик эҳтиром туйғулари эгаллаётганини ҳис этаман. Умрини фарзандлари камоли учун бахшида этган отахон, онахонларни қанча эъзозласак шунча озлик қилади.

Халқимизнинг ота-онага ҳурмат борасида ҳавас қилса арзигулик удумлари, анъаналари бор. Бирор ноқобил фарзанд ота-онасини хафа қилгудай бўлса, бутун маҳалла оёққа туради. Кексалар ўғит беради, тенг-тўшлар тўғри йўлга бошлайди.

Беш қўл баробар бўлмаганидек, баъзан ота-она дилини оғриқадиганлар, кексалиб қўлдан қолганида ёлғизлик гирдобига ташлаб кетадиганларни учратамиз. Кимдир ўзи туғиб, дунёга келтирган фарзандидан воз кечса, яна бирор ота-онасини кўз ёшларга қўйиб, юз ўғириб кетмоқда. Бундай ҳолатлар турли вазият, шароит туфайли юз бермоқда.

Юртимизнинг эртанги кунига соғлом авлодни тарбиялаб беришдек масъулиятли вазифа турган бир пайтда, ота-онага эътиборсизлик болаларнинг маънавий шаклланишига салбий таъсир кўрсатиши шубҳасиздир.

«Қобуснома»да шундай битиклар бор:

— Ўз фарзандинг сен ҳақингда қандай бўлишини тиласанг, сен ҳам ота-онага шундай бўлғил, нединки сен ота-онанга нима иш қилсанг, фарзандинг ҳам сенинг ҳақингда шундоқ иш қилур!

Яқинда хизмат юзасидан идораларнинг бирига борганимда, шикоят қилиб келган бир онахон билан суҳбатлашиб қолдим.

Уч ўғли, келинлари ва неваларига бор экан. Онахон нафақа ёшида сарсон бўлиб қолганидан, не-не умидлар билан ўстирган фарзандларининг бемехрлигидан қуноиб гапирарди. «Ўзимга уй олиб чиқиб кетсам, яхши бўлармикан», деб ўйлайди. Эҳтимол у кишининг айтганича бўлар, аммо кекса, бунинг устига бир кўзи ожиз онахоннинг иссиқ-совуғидан

ким хабар олади? Ахир ёши ўтган одам парваришга, меҳрга муҳтож бўлади-ку! Уч ўғил онанинг идорама-идора нажот излаб юрганидан хабардормикан? Ўз фарзандларига юк бўлишни истамаган ота-оналар

— Фарзандларингиз...
— Бор. Икки ўғил, бир қиз.
— Зерикмаяпсизми? Бу ерда танишлар орттирдигизми?
— Бу ерда ҳамма таниш. Лекин зерикари. Набираларимни кўргим келади... Сиз муҳбирмисиз, қизим?
— Ҳа.
— Газетага ёзмоқчимисиз?
— Ҳа.
— Бўлмаса айтганларимни яхшилаб тинглаб олинг. Вақтингиз борми?
— Бемалол, гапирaverинг.

КЕКСАЛИК РОҲАТИ ҲАММАГА БУЮРСИН

қариялар уйида яшашни маъқул кўргани шундан эмасмикан?

Қариялар уйи... Бу ерда кимдир маъносизроқ уйғотди. Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида бўлган, барча тахминларнинг ўринли эканига ишонч ҳосил қилдим.

Ҳамма жойда бўлгани каби бу ернинг ҳам ўз тартиб-қоидалари бор. Нонушта, тушлик ва кечки овқатга махсус кўнгирок билан қақрилади. Бу ердаги отахон-онахонлар учун ҳамма нарса етарли. Иссиқ овқатлари, кийим-кечаклари ҳақида қайғурмасалар ҳам бўлади.

Атрофларида ҳамширалар, шифокорлар саломатликларини назорат қилиб туришади. Ҳаммаёқ чиннидаги тоза, хоналар шинам ва ёруғ. Пансионат ходимлари бу ерда яшаётган 156 нафар кексанинг ҳар бирига алоҳида эътибор билан қарашади. Қарияларнинг қай бири билан суҳбатлашсангиз, энг аввало яна шу меҳридорё инсонларга ташаккур айтиш билан сўз бошлайди.

Дастлабки суҳбатдошим — 73 ёшли Салтанатхон ая Камолова 50 йил ўқитувчилик қилган.

— Кўндан буён яшаяпсизми бу ерда?
— Яқинда келдим.

У жуда секин гапирар эди. — Бу ердаги шароитлар учун ҳукуматимиздан ҳар қанча миннатдор бўлсак ҳам кам. Меҳрибонликларни учун катта раҳмат. Илло, ҳам бўлмасинлар. Лекин ўз уйингдек бўлмас экан... Онани ташлаб қўйиш ёмон! Айниқса, катта ўғлимни жуда соғинаман, аммо ранжимайман. Болаларим ҳақида ёмон хабарга борсам, худого мункир келаётгандай, норизоликни дилимдан дарҳол чиқариб ташлайман. Ҳеч бир она боласини дилдан қарламайди, энг ёмон сўзларни ҳам тилининг учиди айтади.

Бу қайтар дунё, қизим. Ёшларга айтиш, ота-онасига муомала қилганда ўзининг ҳам бир пайт келиб ота-она бўлишини, кексалигини унутмасинлар.

Иккинчи суҳбатдошим сурхондарёлик Мелижон Нуралиев бўлди.

— Кексаликнинг роҳати ҳаммага буюрсин экан. Болаларинг қариганидан суняч бўлсин экан. Бир ўғил ва икки қизим бор. Ўзим кўп йиллар маориф соҳасида хизмат қилган бўлсам-да, ўғлимни кўча муҳитидан сақлаб қололмадим. Ичкиликка берилди. Шунинг оқибатида оламдан эрта кетди. Қизларимни турмушга узатганимдан кейин ёлғиз тур-

дим. Умр йўлдошим аввалроқ вафот этганди. Бу ерга келишда бошқа иложим қолмади. — Ҳозирги кунда болалар тарбияси ҳақида нима дея оласиз?
— Менимча, фарзандни вояга етказиб, тарбиялашда ота-она тўғри йўл танлаши лозим. Унинг барча хатти-ҳаракатлари назоратсиз қолмаслиги керак. Ўз вақтида тергаб, ўз вақтида рағбатлантириб туриш лозим. Шунингдек, болалар тарбиясида телевидение ҳам муҳим аҳамият касб этади. Экрanga уза-

Минбар

тилаётган фильмларни ёш болалар ҳам кўришини инобатга олиб, уларнинг онгида, руҳида ижобий ўзгаришлар ясай оладиган киноларни бериб бориш керак. Шунда болалар қариларга, ота-оналарга ҳурмат ҳиссини туйишади.

Бу ерда яшовчилар фарзандларидан ҳолимайдилар, ўтаётган кунларига шукр қилиб, кўрсатилган меҳрибончиликларга ташаккур айтиб яшайдилар. Аммо қалб кўзгуси кўз, деган нақл бор. Мен уларнинг ҳар бирининг кўзига боқаман. Бу кўзларда шодлик ўрнига армон қураман. У қандай армон эканини англамоқ мушкул эмас.

Ушбу нигоҳларнинг соҳибини ҳеч кимга ишонмайди. Дилини ўртаётган дардларини қалбининг тубига қўйиб яшайди. Ёлғизликка маҳкум этилган тунларидан эса кўксини нимадир қуйди рағбатини ҳис этади. Бу олов тонгача сўнмайди. Аксинча, армон бўлиб, дард бўлиб ёнади. Яхшики, тун тонгча уланади. Демак, бу ерда яшовчилар учун яна одатдаги кунларнинг бири бошланади. Кимдир набирасини, кимдир фарзандини интизор бўлиб кутади. Ташқарига илжиқ билан термулган кўзлар толиқади, аммо юрак толиқмайди. Эҳтимол бирортаси кели қолар, деган умид кўнглилар бурчини ёритиб туради.

- 4 -

Республикамиз ёшларида она Ватанга меҳр-муҳаббат, миллий гурур, миллий қадриятларимизни янада чуқурроқ англаш туйғуларини ошириш мақсадида «Истеъдодлар ўлкасидир ҳур Ўзбекистон» деб номланган ёш иждоқорлар фестивали ўтказилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон телерадиокорпорацияси, Улуғбек номли истеъдодли ёшларни қўллаш Ўзбекистон жамғармаси ва Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси томонидан ўтказилган бу фестивалда Улуғбек мукофоти совриндорлари, вилоятлардан келган ёш ёзувчилар ва бастакорлар 10 ёшдан 25 ёшгача бўлган истеъдодли ёшлар қатнашдилар. Иштирокчилар мусиқа соҳасининг барча турлари, ўзбек миллий қўшиқчилиги санъати, драма асарларидан парчалар, аския, пей-

Танловлар

ОЗОД ЮРТНИНГ ИСТЕЪДОДЛАРИ

жаз, натюрморт ва бошқаларни намойиш этдилар. Фестивалда намойиш этилган барча санъат, адабиёт асарларида, шеърларда она Ватанимизга бўлган меҳр-муҳаббат, гўзал ва мафтункор табиятимизни асраб-авайлаш, инсонларни севиш, ардоқлаш, яхшиликни улуглаш каби зарур хислатлар муассасмалашган.

«Истеъдодлар ўлкасидир

ҳур Ўзбекистон» — республика ёш иждоқорлар фестивали ҳақамлар ҳайратига сайланган таниқли ёзувчи ва шоир, журналист ва театр усталарида бастакорлик маҳорати учун Тошкент Давлат консерваториясининг талабаси Ойдин Абдуллаева, миллий қўшиқчилликда Фаргона вилоятидан келган 10-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Умиджон Тўрақўзиёв, ижрочилик маҳорати учун Успенский номли мусиқа мактабининг ўқувчиси Феруза Ҳайдарова, аскиячиликда эса Термиз Давлат университети талабаси Омон Махмудовларга 1-ўрин берилди. Фолибларга Улуғбек номли истеъдодли ёшларни қўллаш Ўзбекистон жамғармаси томонидан 1-даражали диплом ва пул мукофотлари топширилди.

Назира НАЗАРОВА.

- 5 -

Таблицы

ЁШ ИҚТИСОДЧИЛАР БАҲСИ

Яқинда шаҳар кўшимча таълим мажмуида пойтахт туманларидаги мактаб ўқувчилари ўртасида «Мен, сен ва иқтисод» мавзусида беллашув бўлиб ўтди.

Унда ўқувчилар уч тур саволлари бўйича ўз билимларини намойиш этдилар. Айниқса, Сергей, Собир Раҳимов, Ҳамза, Миробод туманларидан келган ўқувчилар иқтисодий билимларини пухта ўзлаштирганликлари аён бўлди.

Айниқса, экология муаммоси, табиатни асраш ҳақидаги ўзларига хос фикрлар гўят таъсирли бўлди. Улар тамакиннинг зарари, ҳавони мусаффолигида инсонларнинг иштироки эртақлар, асосида ифодаландилар.

Тадбирга Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раҳбарлари «Камолот» жамғармаси, халқаро «Экосан» жамғармаси, «Сардор» фирмаси, «Престиж» ҳафтаномаси, «Солншиш» газеталарининг савгалари берилди. Биринчи ўринни эгаллаган Сергейи тумани ўқувчилари рағли телевизор топширилди.

Раҳим ТУРАЕВ.



«Бўш ўринлар ва иш жойлари» меҳнат ярмаркаси Собир Раҳимов туманида ўзгача ўтди. Айниқса, савдо-хўнарандчилик растаси акс эттирилган «Усто ва шогирд» тўғарақлари ва кичик цехларда тайёрланган маҳсулотларнинг савдо кўргазмаси иш ахтариб юрганларга амалий жавоб тарзида намойиш этилди.

— Ҳозирги вақтда, айниқса бизнинг туманда унутилиб бораётган миллий хўнарандчиликка алоҳида эътибор қаратиш бўлмоқда, — дейди «Меҳнат биржаси» раиси Ойбек Валиев. — Бизнинг «Усто ва шогирд» дастурийида асосида ёшлар учун 8 та тўғарақ ишлаб турибди.

Бир неча маҳаллада кичик цехлар ишламоқда. «Чимбой» маҳалласида эса «Чимбой» — Нуруний агро-санаят илмий-ишлаб чиқариш биноларига фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, биржамизга иш сураб мурожаат этган фуқароларнинг 40 нафари қайта ўқитиш курсларига

катнашмоқда. Қайта ўқитиш узлуksиз бир ой давом этади, ҳамда уларга нафақа пуллар, стипендиялар бериб турилади.

Биз кейинги вақтда бўш иш ўринларини тавсия этган корхоналарда бўлиб, бўш иш ўринларининг аҳоли билан танишиш. Хулоса шу бўлдики ишчи ва хизматчиларнинг маошлари, иш жойлари талаб даражасида эмас. Мана шу

муаммолар мавжудлиги туфайли малакали мутахассислар қўша корхоналарга, фирмаларга утиб кетишмоқда. Бунинг олдини олиш учун ташкилотлар ҳамда «Усто ва шогирд» услубида меҳнат қилаётган хўнарандчиларимиз билан ҳамкорликда ишламоқдамиз.

— «Усто ва шогирд» услубининг асосий концепцияси бизнинг маҳаллада

ишлаб чиқилди. — деб суҳбатимизга қўшилди «Чимбой» маҳалласи оқсоқоли Махаммадсалих Даминалов. — Биз мана шу асосда маиший, сервис хизмати миллий хўнарандчилик ва тикувчиликни, новвойчиликни кенг йўлга қўйдик. 9.500 нафар аҳолидан салкам 400 нафари маҳалла ичидаги ишлар банд. Бу ишларни рилантантиришда Тошкент

шаҳар аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий химоялаш бош бошқармаси ва туманимиз «Меҳнат биржаси» яқиндан ёрдам беришмоқда.

— «Работ» маҳалласининг «Шарқ тонги» ва «Маҳалла гули» кичик корхоналари ҳақида эшитганимиз, — дея гап бошлади маҳалла оқсоқоли Йўлдош Раҳимов. — Биз мана шу кичик корхоналарни очишда бош бошқарманинг мутасаддилари билан маслаҳатлашганимизда, улар бизга яқиндан ёрдам беришди. Айни вақтда бу корхоналарда 50 дан зиёд маҳалла аҳоли иш билан банд. Ти-

кувчилик, қандолатчилик ва новвойчилик борасида бошқа маҳаллага ёрдам сўраб боришмайди. Маҳалламизда 14 та кам таъминланган ва 62 нафар кўп болали оилалар мавжуд. Энг асосийси оилаларда беиш юрган ёшларни иш билан таъминлашга, лозим бўлса қайта ўқитишга юборамиз.

Гулзода АБДУЛЛА

қизи. СУРАТЛАРДА: Собир Раҳимов туманида бўлиб ўтган «Бўш ўринлар ва иш жойлари» меҳнат ярмаркасида нафақалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Ер юзида биринчи оилани Одам Ато ва Момо Ҳаво тузишган дейдилар. Муҳаббат тарихи ҳам биринчи Отамиз ва биринчи Онамиздан бошланган, десак янглишмасак керак.

Барча нарса жуфт-жуфт яратилган экан, жуфт бўлиб яшаш табиат тақозосидир. Лекин оила бўлиб яшаш барча мавжудот орасида фақат одам наслига хосдир. Оила ниқохдан бошланади. Халқимизда «Никоҳ энг аввало Арши аълода ўқилур, кейин эса ерда», деган нақл беҳудага айтилмаган.

Лекин, ўзбекчиликда тўйдан аввал ўтгулик бир қанча муаммолар борки, буни фақат икки ёшнинг ўзлари ҳал этмоққа ожиздилар...

Бошқа элли билмадим, Лекин бизнинг Ватанда, Момолардан мерос ул Ифбат кучли чамамда,

Кучлидир раъй, андиша Кенгашиллар фикр, ўй. Фарзанд бўйга етса гар Маслаҳатсиз бўлмас тўй.

Ён атрофдан излашар, Келиннинг сарасини. Амма, хола, поччалар, Сўрар куёв наслини.

Бунда албатта муҳим ўрин тутар совчилар. Ул масъул вазифани Ҳалол уддаловчилар.

Мушоҳада

ҚУЁНГҲАНИНГ БҲЙН ЕТГАНДА...

Турмуш бўлса иморат — Кўйилгувчи пойдевор Мустаҳкам, пухталиқда Совчиларнинг ўрни бор.

Осон эмас пишитмоқ Бир умрлик савдон. Икки ён кўпик бўлиб, Ҳал этмоқ муаммони.

Улар кирган қизли уй Ҳаёти қизгин бўлар... Илоҳим кўпайсин-да Совчи келтирган тўйлар...

Табиийки ҳар бир бўйига етган қизи бор хонадонда «бегона»роқ меҳмон келса, ота-она, уйдагилар кўнглига гулгула тушади. Бундай ширин ташвишлар аввало «совчилар кимлар экан?» деган савол кўндаланг бўлиши мукаррар.

Чиндан ҳам совчи аталмиш зотлар ҳар икки томон учун озми-кўпми сиғишга, билгувчи инсонлар эканлиги билан ҳам аҳамиятлидир. ...Ҳар икки хонадоннинг яшаш тарзини, насл-насабини, феъл-атворини билиб бу масъул вазифага киришмоғи лозим», дея фикр билдирувчилар сўзида ҳам тугал ҳақиқат мавжуд.

Ота-она бу элчиликка лутфи гўзал, эл орасида юрган, ҳаётнинг пасту баландини кўрган, зукко, зийнишим одамлардан юборишни кўзлашади.

Бир пайтлар бувим, аллақайси қариндошимизни совчиликка борганда доимо бир одатни қанда қилмаслигини гапириб берган эдилар.

Улар совчи бўлиб борган хонадонларида ўтирган кўрпачаларининг тағидига наматни мезбонга сездирмай кўтариб кўра эканлар-да, агарда ўша намат тағиди олинган тирноқми ёки таралган соч қолдиқларини кўрсалар, гапни қўйиб ўтирмай, юзларига фотиҳа тортиб, кўзгаларканлар.

Бундан ноқулай аҳволга тушган шерикларининг боисини сўраганларида «Усти ялтирок, ичи қалтирок» одамларга ҳушим йўқ, ораста қизлари бор хонадоннинг ичи ҳам, сирти ҳам пок-киза бўлмоғи керак», деб изоҳлар эканлар.

Лекин ҳозирда уйма-уй юрадиган совчилар, аввало уй-жойига, дастурхонига ва айниқса, қиз соҳибларининг иш жойига кўпроқ эътиборни қаратишмоқда. Албатта бу ҳам билиш лозим бўлган тафсилот, лекин бундан-да муҳимроқ ўша оила насл-насаби, кундалик ҳаёти, турмуш-турмушдан, фаросат сезгилари орқали ушбу хонадондаги қизлар тарбияси хусусида билиб олиш мумкинлиги имкониятига йўл очилмай қолаётгандек туюлади.

Узоқ йўлда кетаётган икки аёлнинг сўхбатларини эшитиб қолдим. «Биз-

нинг бир бувамиз бўлгучи эдилар, раҳматлик, — дея сўз очиб қолди аёллардан бири. — Қиз — у набира-ларига совчилар келганда, таъбларига ёқса, аввало ўзлари бориб сўриштириб келардилар. Сўнгра жавоб қилар эдилар.

Бир куни барча оила аъзоларига маъқул келган йилгига уларнинг хо-ҳишлари бўлмади. Сабабини сўраганимизда, унинг ота-бобоси мардикор бўлган экан, бирор-бири касб-хунари йўқ одамгина мардикорчилик қилганда-да, деб рад жавоб берибдилар.

Демак, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган отахон «куёв» бўлмиш «ола хуржун» бўйига тушганда насл-насабига тортиб ота-боболари қилган ишни қилиб юрмасмикан, деган истихолога борган бўлишлари табиий.

Лекин совчилардан ҳам биринчи ўринда худонинг ҳам, банданинг ҳам олдида рост сўзлаш талаб қилинур. «Ҳикматлар хазинаси» китобидан шундай бир ривоят келтириб ўтмоқчиман. «Ҳазрат Билол Ҳабашийга дўсти келиб бир қизни ота-онасидан сўрашини, яъни совчиликка боришини илтимос қилди. Ҳазрат Билол дўстининг сўзига кириб қизнинг уйига борди. Қиз уйига бориб:

— Мен Билол бин Рабоҳман. Бу йил меннинг дўстимдир. Сизнинг қизингизни сўраб келдик. Аммо шуни айтишим керакки, бу дўстим дин ва ахлоқ жиҳатидан яхши одам эмас. Бу феъл-атворини билиб қўйинг. Қизингизни шунга қараб берасиз, — деди.

Қиз соҳиблари: — Ундай бўлса, нега келдингиз? — дедилар. — Мен ёлгон сўзлай олмаيمان. Аллоҳ мендан сўрайди, — деб жавоб берди Ҳазрат Билол...

Қизли хонадонга шох ҳам, гадо ҳам ташриф буюради, деган гап бор. Уларнинг барчасини хонадон соҳиби очик чеҳра-ю ширин забон ила қабул этмоқ умиди ила қиз ўстираётган ҳар бир мусулмон волидаи муҳтарамалар орзусидир... Лекин бир онахоннинг ўқиниб айтган гаплари ҳаёлимизга муҳрлангандек.

Саратон пайтлари. Онахон ёлғиз ўзлари уйда қолиб, рўзғор ишлари билан машғул бўлиб, чарчаб бир оз ёнбошлармоқчи бўлганларида эшикдан биров чақириб қолибди. Ички бир эринчоқлик билан чиққанларида останада совчиларга рўбарў бўладилар. Очиғи жуда толиққан онахон, меҳмонларга дастурхон тузашдан эриниб, салом-алиқдан сўнг, «бироз эшикда янглишибсизлар, ҳов анави хонадонда бўйига етган қиз бор эди» дея уларни бошқа бир қизи бор қўшнлариникига йўналтирадилар. Худонинг кудратини қаранг-ки, кунда, кунора келиб турувчи совчилар ўша кундан кейин қамаяди...

«Эшик «тик» этса совчимикан, дея қарайдиган кунларим ҳам бўлди, ўргилдай. Ношукрлигимга худонинг қарни келди шекилли», — деб дардларини тўкиб солдилар онахон. Ниҳоят қизининг ҳам бахти очилди, лекин тенгқурларидан кечро-оқ. Аммо бу менга бир умрлик сабоқ бўлди. Тақдир, пешона дейимиз у бунга аввало ўзимиз сабабчи бўламиз-да...

Қачонлардир матбуотда ўқиганим Узоқ Шимолнинг чека бир қилгоғи аҳолисидаги бир одат менга ғайритабиий туюлган эди. Унда қизлар бўйига етган, тугилган кунда қариндошлари билан бир гала бўлиб қишлоқ кўчаларидан ўтишади. Шу пайтда гўзал либослар билан безаниб олган қизнинг орқасидан келаётган қариндошлари унинг пазандалиги, чеварлиги, моҳир тўқувчи эканлиги ва яна бир қатор фазилатларини баланд овоз билан мактаб-мактаб юришади. Шунда уйланиш нияти бор йилгитлар-у уларнинг ота-оналари хари-дор бўлишларига имкон туғилар экан...

Лекин барибир ўзимизнинг одатимиздан қўямасин-да. Ҳар ҳолда совчилик йилгитлар томонидан бўлгани маъқул.

Саида ЗОКИРОВА.

«Қирқнинг бири — Хизир» дейдилар, нима, Хизир бува шунча кўпми? Кўп бўлса, нега бизга кўринмайди?

Аниқ йили ёдимда йўқ, мен шу саволни раҳматли амакимга берган эдим.

— Хизир бува ёш, қари бўлиб кўринади. Бироқ уни биз билмаймиз. У ҳақда халқ орасида айтилаётган қизиқ-қизиқ ривоятлар бор. Тўлабйи тугилишидан олдин Хизир отанинг ўзи эл оралаб юриб, отаси — Алибек бийнинг уйига келган экан. Хизир бува илоси тушган Алибек бийнинг ўғли Тўла донишманд бўлиб туғилади.

1743 йили Улуғ юз хони Йўлбарс вафотидан сўнг, унинг ўрнига олти йил 1749 йилгача бийликни Тўла ўз қўлига олади. У сўзга чечан, жамоат арбоби бўлиб, «Етти ёрлик» қонунини ёзганлардан бири. У кишининг қабри Шайхонтохур буваннинг қабри билан ёнма-ён турибди.

— Энди бир ривоят айтиб берай, — ўғлим деб, эшитганини айтиб берди.

Қолдай деган бобомиз ўзининг қўйларини ўти сероб тоғ бағрида ўтлатиб юради. Пешин вақти экан. Қўйлари ўтга тўйиб, бирининг соя-

сига бири текилиб ётишади. Бир пайт олисдан чанг кўтарилгандай бўлади. Бошини кўтариб қараса оқ отга минган оқ чопонли, оқ соқолли, икки елкасига икки одам минадиган гавдали қария ўнчага қўйни ҳайдаб кетаётган бўлади. У киши:

— Ассалому алайкум! — деб са-

Ривоят

ХИЗИРДАН ҚОЛГАН ХАЗИНА

лом беради: — Болам менинг ўн қўйимни боқиб берасизми? — дейди.

Қолдай бобомиз: — Оқсоқол, майли боқиб берайин, қолдириб кетинг, — дейди. Қария қўйларини қолдириб кетади. У кетарида:

— Келгуси йили худди шу вақтда келиб, қўйларимни оламан, — дейди.

Вақтни оқар дарё дейишади. Ўн қўйи эгиздан тугиб ўттиз бўлибди. Йил ўтиб, ваъда қилган вақтда оқ соқолли қария келиб, қўйларини

қўриб розилик билдириб:

— Бу дунёда қарзим йўқ, у дунёда қарзим йўқ, — деб ғойибдан тушган қўшдай, осмонга кўтарилиб, йўқ бўлиб кетибди.

Қолдай бобомиз эса қўйларига зарар етказмасдан боқиб юра берибди. Йил ортидан йил ўтади. Қўйларни бир ҳолатига ишлатайин деса, ўша чол бир кун эмас, бир кун йўқлаб келиб қолса уятга қоламан, деб тегмайди. Ўн қўйи минг бўлади. Овулнинг кўпни кўрган қарияларини йилги бобомиз ақл сўрайди. Қариялар ўзаро маслаҳатлашиб:

— Болам, энди уялма, ўзининг болаларингдан аяма, сенга учраган отамиз Хизир экан. Худо йўлга бир мол сўйиб, халққа бер, қолганини эса ҳолатингга ишлатабер, — деб айтган экан.

«Хизир буванни улуснинг улуг қуни Наврўзда кўрса бўлади. Чунки бу янги кунда катта байрамда Хизир ота эл-юрт ўртасида, қўнчиликнинг ичида юради деган яхши сўз ҳам бор» деб амаким ҳикоясини тугатгани ҳали-ҳали ёдимда. Умуман, яхши ниятли одамлар борки Хизирдек улугдир.

Қидирбой ТўЛАБОВЕВ.



Ёш авлоднинг музикага бўлган қизиқишини тоқомиллаштириш борасида шахримиздаги 22-болалар музика мактабида намунали ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда ҳозирда 760 нафар болалар музиканинг 9 туридан сабоқ олмоқда.

СУРАТДА: бўлажак рубобчилар гуруҳи ўқитувчиси Маҳаммадхон Баҳромов шогирдлари билан машғулот пайтида.

Дарахтларнинг япроқлари узра олтин нурларини сочиб турган кўёш бирдан кўринмай қолибди. Осмонни қора булутлар қоплаб олибди. Кўк юзига парда тортилгандай ўрмон хиралашибди. Дарё томондан шиддатли шамол эса бошлабди. Шамол борган сари кучайибди. Дарахт шохлари чайқалиб, ниҳоллар ерга салом бергандай эгилибди. Сарғиш япроқлар тўзонда қўқда учиб, ўйин тўшибди. Ўрмон гувиллаб кўрқинчи овоз чиқарибди. Шамолнинг бу қутилмаган шиддатидан кўрқиб, барча ҳайвонлар ин-инларига кириб яширинибди.

Бу тўпалон совуқ, аёзли кунлар яқинлашганидан дарахт экан. Шамол хуштак чалиб борган сари қутирибди, нор тундай бўкирибди.

Овқат излаб ўтқакса борган ола кўёнинг ҳам ўтқакси ерилиб, тезроқ инига етиб олишга шошилибди.

Кутилмаганда улкан дарахтнинг катта бир шохи синиб, ола кўёни босиб қолибди. Кўёнинг устига ўрмон кулагандай эҳсонаси чиқиб кетибди. Жон ҳолатда ўзини у ёқ-бу ёққа уриб қўрибди. У қимирлаган сари арчанинг нина барглари баданига қаттиқроқ ботибди. Негайи ўтлоққа бордим-а? Ўзимга оёғим тортимай турувди-а? Болаларимга егулик топиб келармиканман, деб ўйладим-да!

Ола кўён бошга тушганин кўз кўради, деб тақдирга тан бериб ётаберибди. Кўп ўтмай шамолнинг шиддати пасайиб, дарахтларнинг ҳаракати аста тиниб, ҳаммаёқ тиниб қолибди.

«Дарахтларнинг мевалари росаям ерга тўкилгандир, — яна ҳаёлларга берилибди Ола кўён. — Ҳадемай, ўртқоқларим меваларни теришга илларидан чиқашди. Бу томонларга ҳам ўтиб қолишса ажабмас».

Худди Ола кўён уйлагандай бўлибди.

Кўп ўтмай у ёқ-бу ёққа аланг-лаб, оқ кўён пайдо бўлибди. Ола кўён уни кўрибди-ю ниҳоятда севиниб кетибди. Нега севинмади? Оқ кўён ахир жонахон дўсти-ку! Ташвиш-қувончларини бирга баҳам кўрган, яхши-ёмон қўйларини бирга бошдан кечирган. Ола кўён ундан сира ёрдамни аямаган. Жонига ора қилиб, неча марта улимдан кутқариб қолган. Шундай жонахон дўстини қўриб қувонайдими? Оқ кўён Ола кўёни кўриб яса-

ма ачиниш билан:

— Вой, ўртқоқжон, сенга нима бўлди? — дебди. — Фалокат оёқ остида, деб шунга айтдилар-да! Энди нима қилсан, ўртқоқ? — Оқ кўён ўзини унга қайргандай қўрсатиб, шохнинг у ёқ-бу ёғига ўтиб-

ОДДИЙ БУРЧ

(Эртақ)

ди. — Биласаним, сенга шундай жоним аниб кетаяптики... Ермадага тайёрман-а? Аммо панжа қурғур оғриб турибди. Шохни қандоқ кутараман? Қўлимга арчанинг иғна-ларини кириб кетса нима бўлади? Тушсанг-чи, ўртқоқ?

Оқ кўён шундай дебди-ю кўз очиб юмгунча жўнаб қолибди. Ола кўёнинг умидлари лугча қичибди. Ўзи-ўзига дебди: «Тагин уни дўстим деб ишониб юрибман-а? Дўстим... Дўст бўлса, бошимга шундай оғир кун тушганда ёрдам бермас, қачон ёрдам беради? Кейинги пайтларда жуда ўзгариб қолган. Ўзича осмонда. Бурнига нарвон қўйиб чиқасиз. Э, унга ишонгиз тушмасин. Унга қўлуқ қилиб, ялиниб-ёлбориб, тоқай соясига қўрпача соламан? Э, садҳан дўст кет!»

Ола кўён дўстлари йўлига интизор, улар ёрдамидан умидвор бўлиб ётаберибди.

Шу пайт дарахтдан липиллаб олмаҳон тушиб қолибди. Олмаҳон ҳам ола кўёнинг дўсти экан. Липиллаб югуриб, ола кўёнинг атрофида минг айланиб, минг ўргилибди.

— Вой, шўрим қурсин, энди нима қиламан-а? Вой, менинг қўлимдан нима ҳам келарди? Мен кич-

кина ва нимжон бўлсам...

Олмаҳоннинг гапига ола кўённинг гаши келиб, инграб қўйибди:

— Мендан хафа бўлиб юрма, ўртқоқжон! Айққолловни кўрсам, албатта унга айтаман, келиб сенга ёрдам беради. Энди, кечира-сан-да, ўртқоқ! Мен жуда шошиб турган эдим, — дебди-да олмаҳон ўт-ўланлар ичига кириб, кўздан ғойиб бўлибди.

«Э, бунақа ўртқоқни елкамнинг қучури кўрсин», дебди ола кўён. Жуда кўзим учиб турувди».

Атрофга қоронғу туша бошлабди. Ола кўён бошига тушган мусибатга чидаб, тишини-тишига қўйиб ётарди-ю, аммо... Тўлкими, олакўзми дайдиб келиб қолса нима бўлади? Ўз хаёлидан ўзи кўрқиб, юраги орқасига тортиб ке-

Нихол

тибди. Шу пайт дарахт шохлари сирли шитирлай бошлабди. Қўрққанга қўша қўринар, деганларидай, уни ваҳима босиб, қўзларига олам тор кўришибди. У бор қучини йиғиб, яна бир марта қучи-ларини кўрибди. Аммо зил-замбил шохни қимирлата олмабди.

Ўт-ўланларни шитирлатиб лапаллаб келаётган аниқ тоға экан. Қўлида эски тўқима сават. У кўённинг тепасига келиб:

— Э, кўёнжон, сенга бу кўргилик ҳам бормиди? — дебди масҳара қилгандай, оғирлигини у оёғидан бу оёғига олган. — Ахир энди ёшмасан, кўзигага қараб юрсанг бўлмайди-ми? Кучли шамол турганда ичингда кўмилиб ўтирмайсан-ми? Дайдишга бало борми? Яхшики шох синиб тушибди, дарахт устинга қўлаб тушса нима бўларди? Тил тор-май ўлардинг-ку? Эҳтиёт бўлмаслигининг оқибати шу-да!

Айиқ тоға ола кўёнинг илтижол қўзларига қарамас, ёрдам беришни уйламас, ҳамон насихат қилишдан тўхтамас экан.

— Ахир қачон сенга ақл қиради? Гапларинга хафа бўлма. Дўст ачитиб гапирар, душман қўлидириб, деганлар. Бундан буюн эҳтиёт бўлиб юр. Билсанг, бу ҳам

сенга бир сабоқ...

Ола кўён айқининг оғзини шунча пойлабди, қани энди. «Шохни олиб ташлай қолай, деса... Ола кўён унга ялинибди. Айиқ тоға насихат қўла-қўла ўз йўлига равона бўлибди.

Ола кўёнинг бор умиди айиқ тоғадан экан. Айиқ ахир ён қўшниси. «Ён қўшниси, жон қўшниси», деган гап бор-ку! Унга сира ёмонлик қилмаганман-ку! Худонинг берган қуни нарса сўраб чиқадим. Сира қуруқ қайтармаганман, ҳолатини чиқазганман».

Ола кўён қаттиқ хафа бўлибди. «Шунча яқин ўртқоқларимдан биттасини ёрдам беришга ярамаса-а? Ўрмонда булардан бошқа яна кимим бор? Ким келиб мени кутқаради? Бирор меҳрибоним қолдими ўзи? Йўқ! Ҳаммаси тилеғламачи, оғизда дўст! Бундайлар билан дўст бўлган-

дан қўла ўлганим яхши», деб ҳаётдан умидини узиб ётаберибди. Хатто тепасига келган Қирпига ҳам эътибор бермабди. Ола кўён у билан таниш эмас, ош-қатиқ ҳам бўлмаган, етти ёл бегона. Ола кўён уни кўриб «энди сен кам эдинг», дегандай юзини тескари бурибди. «Кўзимнинг ёғини ялаган шундоқ ақин дўстларим ёрдам қилини чўзмади-ку, бегонадан нима қўтиб бўлади?» Кирпи гап-сўзсиз жон-жаҳди билан шохга ёпишибди. Хай-хай, кичкина Қирпида шунча куч бор эканми? Шох қўзғалай ола кўён эсон-омон унинг тағидан чиқиб олибди. У ўрмонда шундай меҳрибон, олижаноб ҳайвон борлигидан ҳайратга тушибди.

— Эй, Қирпичон, сенга қандай қилиб ўз миннатдорчилигини билдирсан экан-а?! — дебди ҳаяжонланган. — Вой, нималар дедсан, сен хижолат бўлма, мен оддий бурчимни бажардим, ҳоло, — дебди-да, Қирпи йўлига равона бўлибди.

— Мана ким билан дўст бўлишни билиш керак экан, — уйлабди ола кўён. — Мен аҳмоқ, мен қаллаварам, дўстларим бор, нима гапим бор, деб ялли қилиб юраверибман. Энди кўзим мошдай очилди. Дўстнинг қанақалиги бошга иш тушганда билинар экан.

Рауф ТОЛИЕВ.

Кургазмалар

МУНОСИБ ТУХҒА

рт-шароитлар мұхйё этилган.

Ҳинда Ҳабекстон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданият-маърифий ишлар республика маркази, Ҳабекстон Бадийи академияси Санъатшунос-лик илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда ташкил этган Ҳаваскор рассомларнинг республика кургазмаси очилди. Унда Халқ ижодиёти ва мада-

ний-маърифий ишлар республика маркази раҳбари Д. Хусанов ва Санъатшунос-лик институти директори Т. Ғофурбеков сўзга чиқиб, ҳаваскор рассомлар ижодий йўли, уларга яратилган шароитлар хусусида сўзладилар.

Кургазмага мамлакатимизнинг 7 вилояти, турли шаҳар ва қишлоқларида иштирок қилган 19 та мўйқалам соҳибининг акварель ва мўйқалам яратил-

ган 35 дан зиёд манзара, портрет, натюрморт, маъзули воқеабанд композиция асарлари қўйилган. Уларнинг аксарияти Бухоро, Хоразм, тошкентлик мусаввирлар мўйқаламга мансуб. Шунингдек, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятлари вакиллари иштиёк ва кўнгил билан ишлаган ранг-тасвирлардан иборат. Ана шундай фол ижодкорлар сирасига К. Иброҳимов, З.

Самадов, С. Маҳкамов, Ф. Раҳматуллаев, Р. Ҳакимов, А. Абдуматов қабиларни қиритиш мумкин. Айниқса, Х. Аминовнинг «Қўлда», З. Аскарбековнинг «Ҳива-ми-нор», К. Азизбековнинг «Тоғ манзараси», С. Дўстбековнинг «Қорун бозор-и», З. Самадовнинг «Қўл бўйида», «Қоя», «Ғазалке-нт» каби рангасишар ишлари таҳсинга лойиқ.

Бухоро ва Ҳива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган ушбу кургазма ҳаваскор рассомлардан ана шу санага муносиб тўхталаридир.

Баҳром ТҶИЕВ.

Куз ойлари. Юрагимизга, кўнглимизга бир донишманд нигоҳлар ила боқибди бу ойлар. Узоқдан югуриб келгандек бирдан сарғак тортиб қолади халларимиз.

Ерларга тушган ҳазонлар қалбимиздан тўкилган тилдадек рўпарамиздан бош қутариб чиқаверилади. Инсонларнинг руҳиятига-да бир маъзуллик, осяишталлик олиб қиради, сокин кунлар ўзининг жилоси билан бир умрга муқддир қолди едимизга. Хали совуқ тамоман ҳўкрон эмас, ишинг билан баробаринда иссиқ, оғрибли кунлар ҳам

омонатдек туюлади кишига. Баҳор ойдаги мўйқаз кунларни, унутилмас лаҳзаларни маънос тортиб эсга оламиз шу дамда. Тўнлар бирим узун,

Қатра

КУЗ УЙЛАРИ

бир кечада битта китоб ўқиб мумкин. Сўнгги маротаба тўлиб-тошиб, ёрнинг қайридан самога отлаётган фаворалар рақси уйлариимизга ҳамоҳанг. Кечалари қўчалар ой нури билан сир

Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти совриндори, профессор, истеъдодли кинорежиссёр Шухрат Аббосовнинг номи 60-йиллардаёқ машҳур эди. У яратган «Маҳаллада дув-дув гап», «Сен етим эмассан», «Тошкент — нон шаҳри», «Муҳаббат моҳариси», «Абу Райҳон Беруний» бадий фильмлари ўзбек кинематографиясининг энг сара асарлари саналиб, ўзининг миллийлиги, қадриятларимизга бойлиги билан ажралиб туради. Санъаткор билан суҳбатимиз яна «Маҳаллада дув-дув гап»дан бошланди.

— Шухрат ака, «Маҳаллада дув-дув гап» кинокомедияси яратилганига ҳам салкам 40 йил бўлди. Лекин ҳали ҳам томошабинлар уни севиб томоша қилишади. Раззоқ Ҳамроев, Лутфихоним Саримсоқова, Икрома Болтаева, Марям Ёқубова, Ҳамза Умаров, Тўлқин Тожиев, Ғани Аъзамов, Раҳим Пирмухаме-

дар ривожланиб кетмаяпти. Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, Президентимиз Ислам Каримовнинг ёрдамлари билан «Ўзбекфильм»да ишлар жонланяпти. Мустақил бўлганимизга олти йил бўлибдики, ҳусусий студия йўқ. Бундай студиялар капиталистик мамлакатларда кўп. Халқимизда «Ойнинг ўн беши ёғур, ўн беши қоронғу» деган нақл

лат акционерлик компаниясидаги ишлар олға силжияпти. Биз устозлар ёшларга излашлари учун йўл очиб, бир-биримизга ёрдам беришимиз керак.

— Режиссёрнинг бошқа ижодкорлардан фарқини нималарда кўрасиз?

— Узоқ йиллар бурун катта ўғлим кинематография институтига кириш учун хозирлик кўраётганди. Унга режиссёрлик бўлимига киришни маслаҳат бердим. У бўлса: «Эй, дада, сиз қачон қарамаңг, фақат буйруқ берасиз, мен ўзимнинг дунёمنى яратмоқчиман», деди ва расмолликка кирди. Аммо у ўқишдан кейин режиссёрлик қилиб, дурустгина фильмлар яратди. Менимча, ҳар бир ижодкорнинг ўз дунёси бўлгани яхши.

— Оилангизда издошларингиз бор экан-да?

— Ҳа, катта ўғлим Нозимжон «Ўғри, ўғривой ва севги», «Самарада бўлган воқеалар» фильмларини, кичиги Элжон бир фильмини суратга олди. Нозимжон ҳозир менга иккинчи режиссёрлик қилмоқда. Элжон эса реклама ишлари билан машғул.

— Ҳозир қандай ижодий иш билан бандсиз?

— Истеъдодли ёзувчи Тоғай Мурод қаламига мансуб «Отамдан қолган далалар» асари асосида Махмуд Тўйчиев билан биргаликда сценарий ёздик. Шу фильмини суратга олиш ишлари билан бандман. Фильмда ўтмишимиз ва бугунимиз тўрт даврга бўлиниб ўз аксини топаётди.

— Фильмингизда қиммат суратга тушияпти?

— Таниқли актёр Машраб Кимсанов — Жамолдин ролини, унинг хотини — Гулжамолни Моҳира Нурматова ижро этипти. Бундан ташқари «Илхом» театрининг актрисаси Шоноза Собирова, Дурдона Турсунбоева, Бобур Арслонов, Нодира Нурматова каби ёш иқтидорли актёрлар турли ролларни ўзларига хос излашлар билан ижро этимоқдалар.

— Бу саволим ҳам бошқа янги фильмингиз ҳақида. Сиз буюк мунажжим Мирзо Улуғбек ҳақида тарихий фильмини суратга олишни бошлаган экансиз. Тарихий фильмини суратга олаётган ижодкор унга шу кун нуктаи назардан қандай ёндошиши керак?

— Ўтиб бораётган ҳар бир кунимиз тарихга айланиб боради. Арзимагандек туюлган ўзгаришлар ҳам тарихга бўлган қарашимизни ўзгариштириб табиий. Маъна ҳозир ўтган тарихимиз ҳақида янги-янги маълумотларга эгамиз. Шуларнинг натижасида янги тарихий асарлар билан, шахслар билан танишяпмиз. Энг аввало, биз уларни мукаммал, яхшилаб билишимиз, сўнг ўтмишда бўлган воқеаларни қандай бўлса, шундайлигича тасвирлашимиз керак. Бундан ташқари тарихий фильм яратиш учун жуда кўп маблағ зарур.

Мен улуғ мунажжим Мирзо Улуғбек ҳақида фильм яратиш ниятида иш бошлаганман. Актёрларни синавдан ўтказганман. Исмамет Эргашев Мирзо Улуғбек ролига муносиб кўрилган. Аммо бошлаган ишларимиз маблағларнинг етишмаслиги туфайли тўхтаб қолди. Худо хоҳласа, ҳадемай давом эттириш учун ҳаракат қилаёмиш.

Суҳбатдош Маълума НАБИЕВА. СУРАТДА: «Отамдан қолган далалар» фильминан лавҳа.

Анжуманлар «СЕН ЯШАЙСАН МИЛЛАТИМИЗ АРДОҒИДА»

Акмал Икромов туманидаги Туроб Тўла номи 14-мактабда миллатимиз ифтихори, ўзбек адабиётининг сўнмас ёғур юлдузларидан бири Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига бағишланган адабий кеча ўтказилди.

«Сен яшайсан миллатимиз ардоғида» деб номланган ушбу анжуманда мактабнинг куйи ва юқори синф ўқувчилари йиғилиш иштирокчиларини Чўлпоннинг ҳаёти ва ижоди билан таништириб унинг асарларидан намуналар ижро этишди. «Кеча ва кундуз» романи ҳамда «Ёрқиной» драмаларидан айрим сахна кўришларини 11-синфнинг Носир Усмонов, Дилдора Султонова каби ўқувчилари зўр маҳорат билан намойиш этдилар. Айниқса, Чўлпон сиймосини ўзида муҳасаммалаштирган Абдураҳим Рашидовнинг сахнага чиқиши бутун залда ҳаяжонланиш, ғурур, ҳайратланиш каби ўзгача бир туйғунни вужудга келтирди.

Йиғилишга келган меҳмонлар шоир ва унинг ижоди ҳақида ҳикоя қилдилар. Жумладан, адабиётшунос олим, профессор Наим Каримовнинг Чўлпон хусусидаги фикрлари, сўзлаган хотиралари анжуман иштирокчиларига манзур бўлди. Мактабда Чўлпонга атаб ташкил этилган «Чўлпон бурчаги» меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Унда Чўлпон юртидан келтирилган либослар ва шоир ижодида намуналарни кўриш мумкин.

Гарчи ўзбек халқининг атоқли сиймоси орамизда йўқ бўлсада, руҳи юртимиз узра кезмокда. Унинг умр бўйи қилган орзулари, юртининг бахтини бугунги кунда республикамиз мустақиллиги тимсолида кўрамыз.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА.

Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори Барот Бойқобилов ўзининг бир шеърини таъбири билан айтганда, мана шу жорий йилда мазийга яна бир бор муборак сафар қилди. Ана ўша кутлуг сафари натижасида XV асрнинг кутби, Хожога (Нақшбандия) тариқатининг XV юз йиллигиди энг йирик машойихи, бузургвор мутасаввиф донишманд бобокалонимиз ҳазрати Хожа Ахрор Валий ал-Шоший ас-Самарқандий (1404-1494) ҳақида маснавийда «Ҳайратул Ахрор» деган улкан бир шеърини дoston яратди. Илгари ҳазрати Навоий борасида яратган тўрт китоби («Шукхул карвон», «Сокин Хуросон», «Қонли Хуросон», «Нотинч Хуросон»)га «Ҳайратул Ахрор»ни замима қилиб, ҳақли равишда «Янги Ҳамса» деб атади.

Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби энг забардаст форсигўй ва туркигўй шоирларига ўз замоналаридаги халқларнинг дарду аламларини, изтиробларини, шодлиғу сурурларини,

Валий ҳақидаги ҳақиқат бу асрда маълум бўлмайди», деб мухтотона фикр мулоҳазалар билдирган бўлдилар. Жасур, дадил ва ўзининг ҳаққоний фикрида устувор тура оладиган шоиримиз Барот Бойқобилов истиқлолимиз берган ўта хайрли ва қўлай ижтимоий-сийсий, маънавий-мафкуравий шароитни чўқур англаган ҳолда бузургвор шайхимиз тўғрисида ажойиб, улкан шеърини дoston яратди. Улуғ бобокалонимиз, Туркистонимизнинг XV асрдаги энг улкан ўғлини, ҳазрати Хожа Ахрор Валийнинг порлоқ номлари, улуғ руҳи поклари атрофида қаланиб ётган етмиш йиллик музикаларни дадил туриб парчалаб ташлади, яъни хайратомуз тарзда яхшиқанлик қилди! XV асрдаги тарихий-илмий, фалсафий-урфоний масалаларни, ўта мураккаб исломий тасаввуфий билимларни пухта ўрганиб чиқиш натижасида ёзилган, беш юз тўқсон икки бетлик дебоба, тўрт фасл (боб), ун икки хайрат, хотимадан иборат улкан шеърини дostonида шоиримиз Барот Бойқобилов нафақат Тошкентимиз ва Самарқандимиз, нафақат ота Туркистонимиз, балки, бутун ислом дунёсининг улкан ифтихори бўлмиш ҳазрати Хожа Ахрор Валий ал-Шоший ас-Самарқандий васфиди куйидагидек куйма байтлар битган:

«Хожа Убайдуллох, эрдилар бул зот, Ҳаёти, аъмоли асл мўъжизот. Хитодин токи Рум уни олиб тан, Мухаддас қалбиди топтилар Ватан.

Қошида тиз чўқди шоҳу гадолар, Оқимдан тўхтади сойлар, дарёлар. Бахт, наҳот тилади аҳли Туркистон, Не Туркистон, аҳли Аҳам, Хуросон».

Гап ҳазрати Хожамиз ва алар эъзозиди битилган шеърини дoston ҳақида кетаётган экан, сеvimли «Тошкент оқшоми» саҳифалари орқали гўзал ва кутлуг пойтахтимиз ва вилоятимизнинг муҳтарам мутасадди зотларига мурожаат қилиб айтмоқчиманки, Чорсудаги Кукалдош мадрасаси ёнида янгидан таъмирланган Хожа Ахрор Валий масжиди Ҳазрати Имом маҳалласида жойлашган «Махота» гузариди Хожа Ахрор Валий ҳовлиси, Бўстонлик туманига қарашли Богистон қишлоғида жойлашган ҳазрати Хожамизнинг она томонидан бузургвор бобокалонлари бўлмиш Шайх Умар Боғистоний (шоҳ Нақшбанднинг дўсти ва суҳбатдоши) мақбаралари таъмир қилиниб, обод этилса, нур устига аъло нур бўлур эди; ҳазрати Хожамиз, аларнинг бузургвор аждодларининг руҳи поклари ҳам шод бўлур эди.

Ушбу тақриз мақолаимиз хотимасида айтилган яна бир фикримиз шундан иборатки, XIX асрда яшаган хоришзмлик тарихчи ва шоир Баёйнинг бир қимматбахо фикри бор: «Дунёда ҳамма нарсаси фаний ва ўткинчи, не-не салтанатлар, улкан сулолалар, не-не обод қўшқ, саройлар барҳам еб, бузилди кетади, келажак авлодлар олариди, хотираларида абадул-абад сақланиб қолувчи бир «мушайаб бино» (бузилмас бино) бор, ул ҳам бўлса, Сўздур!»

Демак, заҳматқаш ва камтар шоиримиз Барот Бойқобиловнинг бузургвор машойихимиз, донишманд бобокалонимиз ҳазрати Хожа Ахрор Валий ал-Шоший ас-Самарқандий яшаган давр, ул зоти боборакотининг ибратомуз ҳаёти, хайрли ижоди ва ўта бароқали ва сермахсул фаолиятлари ҳақида яратган ажойиб «мушайаб биноси» авлодларимиз хотираларида сақланиб қолғусидир.

Ориф УСМОН, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими, филология фанлари доктори.

ИЖОДКОРНИНГ ЎЗ ДУНЁСИ БЎЛСИН



довларнинг номлари ана шу фильмдан сўнг янада машҳур бўлиб кетган. Умуман, фильмларингизга қай йўсинда актёрларни танлайсиз?

— Бир гап билан, битта топширик билан актёрнинг нимага қодирлигини билиб олам. Актёрларни айни кунда институтда ўзим тарбиялайман, яъни ўқитаман. Биласизми, кинода ҳам ҳар хил техник янгиликлар бўлиши керак? Мезан-кадр, ракурс дегандай. Лекин, энг асосийси, инсоннинг образи. Санъаткор экранда ҳам ўз одамларини яратмоғи керак. Бу унинг ёш, ёнқки қариллигига қарамайди. Мен ҳар бир фильминда янги-янги одамларни, актёрларни кашф этишни истайман.

— Бир пайтлари мамлакатимизда ягона «Ўзбекфильм» студияси бўлган бўлса, ҳозирга келиб бир нечта студияга бўлиниб кетди. Сизни бу нарсаси кунвентирадими?

— Мен буни фақат олқишлайман.

Студия қанча кўп бўлса, шунча яхши. Унга бош бўлган раҳбарлар бир-бирларини яхши тушунадиган, фикрлари яқин, кўмақдош одамларни йиғиб ишласалар ўзларининг сермахсул ишлари билан элга танилсалар ажаб эмас. Студиялар кўп бўлса, кино бир қоллигга тушиб қолмай, янги изланишлар бўлади. Менимча ҳозирча — албатта вақтинча — бизнинг соҳамиздаги ишлар у қа-

бор. Демак, бир ютасан, бир ютказасан. Ҳиндистонда «Меҳра» деган хусусий студия бор. Бизникилар улар билан «Али бобо ва қирқ қароқчи» деган фильмини суратга олишганди. Натижада ҳар икки томон ҳам яхшигина фойда кўрди. Мен студияларнинг кўпайиши тарафдориман. Агар шундай бўлса рақобат бўлади ва ижодкорлар янада яхшироқ ҳаракат қиладилар.

— Айни кунларда яратилаётган бадий фильмларни миллий деб ҳисоблайсизми?

— Асарларимиз миллий, лекин уларнинг ҳаммаси эмас. Бир-иккитасигина кинонинг ўзига хос талабларига жавоб беради. Қолганлари эса тор оилавий моҳарлар, мафия билан кураш талқин этилади, халқнинг тақдири, одамларни ўйлатадиган чўқур мазмунли, мамлакатимиз тарихидаги ўзгаришларни кўрсатиб берадиган зўр бадий фильм йўқ. Ҳозирги киноларда янги характерлар очиб берадиган одамларни ишонтарадиган образ йўқ.

Келгуси йилдан бошлаб кино янада ривожланиши, ўз ҳосилини бериши керак. Ҳозир янги ғоялар билан йўғрилган зўр асарлар яратиш имконияти бор. Кучимиз етарли, ишга янги ҳаёт беради, энг аввало, санъаткорларнинг ўзларида ўзгариш бўлса, ана ўшанда кинода ҳам ўзгариш бўлиши мумкин. Янги ташкил этилган «Ўзбеккино» дав-

Назм

ЎЗИНГНИ ЯИЛА АВВАЛ

Ўзингни кимлигингни ўйла аввал, Оғзинга келган гапни айтма дангал.

Доимо илм олиб пешла ақлинг, Қай подон дунё ишин этибди хал?

Яхшилик ёмонлигини энгар мудом, Шул сабаб жаҳл отига урма авбал.

Ҳар кун бурда ноннинг шукрини қил, Ҳалол нон — ҳазинадан эрур афзал.

Ўлчовлидир инсон умри, унутма, Яқов бўлма, ҳар ишда айла жадал.

Пок бўлсанг, ҳалол бўлсанг эл дилида, Мангу яшаб Муродий, олгунг бадал.

КАДРИЛА ЕНГ

Ўтаётган ҳар бир кун қадрига ет, Тириклик неъматига шукрларга ет.

Яша шундоқ, ҳеч қачон бош эгмагил, Қизармас андишадин шунда ҳеч бет.

Чақирган жойда азиз эурсан, бил, Чақирмаган ерга бормагил, кет.

Ибрат ол ҳар лаҳза оқил илмидан, Шул боис хотирангни доимо тит.

Муродий юзингда доим қулғу бўлсин, Ҳазару нобот сўзни ичинга ют!

Тўхтамурод ФАЙЗУЛЛО.



Саҳнага чиқиш олдиди ҳаяжонли дақиқалар. Равилжа Альбеков олган сурат.

ЖАЛОЛИДДИН. Дўхтир, бироз тобим қочиб қолган эди, бугун шифохонада эканлигингни айтиб, атаёлаб қўрсатгани келдим.

ИСКАНДАР. Бемор, нимадан шикоятингиз бор? Боядан бери ик-райсиз, оғирган жойингизни айт олмайсиз! Томирингизни кўрдим, уришини мазаси йўқ. Убайдулла, беморнинг ҳарорати қандай экан?

УБАЙДУЛЛА. Қирқ даража. Шунинг учун бўлса керак, алаҳлаб, оғиздан пойинтар-сойинтар гаплар ҳам чиқаяпти.

ЖАЛОЛИДДИН. Иситмам бир чиқиб, бир тушиб турибди.

ИСКАНДАР. Жалолиддин, иситмам жуда юқори экан деб кўриб кетман.

УБАЙДУЛЛА. Искандар, касал жуда муғомбир қуринади. Иситма сиз нормал бўлган ҳолда, касалхонага жойлашши учун термометр одоёлга ишқалангандан кейин кўтарилиб бўлиши мумкин.

ЖАЛОЛИДДИН. Сизлардан бир нарсани сўраб олай. Шифохонага оғир касаллар замонлида ётган ҳолда, енгилроқлари юриб келади. Сизлар олдин қайси бирига қарайсиз?

ИСКАНДАР. Олдин оғир бемор қабул қилинади. Убайдулла, касални 3-қаватдаги 7-беморхонага ётқизинг. Ҳамширага айтинг, қўрсатилган уқолларни бошқа жойга қилмасин.

УБАЙДУЛЛА. Яхши. Жалолиддин, айтингчи, сизни илгари ҳам ётқизганми?

ЖАЛОЛИДДИН. Йўқ. Илгари касал бўлганда эшакка ем бериб тузалиб кетганман.

ИСКАНДАР. Эшак топилмаганда отга ҳам ем берган экансиз, отам эшакка ўшайди деб.

УБАЙДУЛЛА. Эшакка ем бериб бир дарагингизни иккита қилибсиз, энди эшакни қўрсангиз қичмаңгиз қўзидиган бўлиб қолади.

ЖАЛОЛИДДИН. Тезроқ беморхонага олиб чиқа қолинг. Савол беравериб одамни сил қилиб юбордингиз-ку!

ИСКАНДАР. Савол беришларини истамасангиз мол дўхтирга мурожаат қилинг.

УБАЙДУЛЛА. Мол дўхтирга учрашининг хавфли томони бор. У бир суткача тузалмаса, сўйиб юборинг дейди.

ЖАЛОЛИДДИН. Шунинг учун сизларга қўрсатайман-да.

Аслия

ШИФОКОРЛАР ПАЙРОВИ

ИСКАНДАР. Шундайми? Сизни қанақа эканлигингизни қосадаги сувни шапиллатиб ичинингиздан билган эдим.

УБАЙДУЛЛА. Жалолиддин, ҳамма касаллик билан оғриб қурибсиз, сизга битта тепки кам экан.

ЖАЛОЛИДДИН. Ўзларингиз ташхис қийинши билмас экансизлар. Баданим қорасида эътибор бермай «қорасон» деяпсизлар.

ИСКАНДАР. Бемор, шифохонада совуқ сув ичманг, ангинаңгиз оғриб қолади.

УБАЙДУЛЛА. Беморхонадагиларга бозорда тирикчилик қилишингизни айтманг, бўлмаса савдоини келди, дейишди.

ЖАЛОЛИДДИН. Мен беморхонага яхши жойлашиб олдим. Искандар, энди сиз бошқа ишларингизни қилаверинг, бўлмаса эшитганлар — Искандар дўхтир беморнинг бошида ўтирибди», дейди.

ИСКАНДАР. Убайдулла, бу нима қилганиңгиз, деразага парда тутиб, касалнинг бошини қоронғи қилиб қўйибсиз-ку!

УБАЙДУЛЛА. Пардани атайлаб Жалолиддиннинг ўзи тутган. Ундан майда-уйда нарсаси келмайди, тимсиз қилиб бошқа касаллариники еб ётибди.

ИСКАНДАР. Уйи касалхонадан жуда узоқда, уникидан бир ҳафтада бир марта келса қолади, бўлмаса йўқ.

УБАЙДУЛЛА. Жалолиддин жуда меҳкай экан. Ўзиникини бир зумда еб қўяди.

ЖАЛОЛИДДИН. Ўз овқатини тез еб қийиншининг сабаби бор, дўхтирлар ундан нонушта келтирмай, касаллариникига қўз тикар экан.

ИСКАНДАР. Ҳар қалай, касал тузала бошлади. Убайдулла, қурднингизми, замбонда келган бемор унингизни ушлаб юрмаяпти.

УБАЙДУЛЛА. Ҳа, ҳаракатлари анча дадил, келган қуларни икки ҳафтага оёғини кўтариб боса олмаган эди, энди унга руҳсат берсак бўлади.

ЖАЛОЛИДДИН. Шифохонаңгизда шароит жуда яхши экан. Илтимос, яна уч кунгина чиқармай туринг.

ИСКАНДАР. Жалолиддин, анча соғайдингиз, эсон-омон бола-чақанингиз ҳузурига бориңг. Энди касал бўлмайман десангиз, шахсий гигиенага ва овқатланиш қоидаҳига риоя қилиңг!

УБАЙДУЛЛА. Спиртли ичимликлар ичишни ва чекишни ташланг. Унча-мунча касаллик йўтал билан қички кетади деган фикрингиздан воз кечинг!

Оққа қўчирувчи
Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.

Бош муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ

Парижлик икки ёш ўқитувчи антиқа сайёҳатга чиққанлар. Улар бундан 800 йил муқаддам Хитойдан Европада қозғоғ етиб борган йўлни велосипедда босиб ўтишга аҳду паймон қилганлар.

— Ҳозир болалар китобни унчалик ҳам хуш кўравермайдилар, — дейди сайёҳлардан бири, ўқитувчи Доминик Лежен. — Шунинг учун биз уларни мактаблар орқали ўқитишимизга ва бугунги кунимизга эътиборларини

Юрган — дарё...

**«СИЗГА
МАКТУБ
ЙУЛЛАЙМИЗ»**

жалб этиш ниятидамиз.

— Мактаб ўқувчилари биз саёҳатимиз давомида кўрган-кечирганларимизни ҳикоя қилиб беришга ҳаракат қилмоқдамиз, — деб давом эттиради куйи синфлар ўқитувчиси Анн-Софи Екель. — Бу уларни ўзаро мактаб алмашишга ундаса ажаб эмас. Шу билан бир қаторда биз сафаримиз тўғрисида махсус фильм ҳам тайёрламоқдамиз.

Бу ўқитувчи сайёҳлар сафар таассуротларини Франциянинг йўлларидан узраган элчионаларидан дискетларга ёзиб Парижга жўнатмоқдалар. Франция пойтахтида эса уларнинг йўл таассуротлари ва расмлари махсус журналда чоп этилади. Сайёҳлик ташкилотлари чоп этадиган бу журнални турли мактаб ўқувчилари севиб ўқишади.

Шуни айтиш керакки, сайёҳлар Париж—Пекин—Тошкент—Япония йўлини бўйлаб 12 миң километр йўл босиб ўтишни мўлжаллаганлар. Улар Тошкентдан жуда катта таассуротлар олганликларини алоҳида маънуният билан қайд қилишар. Бу сайёҳларнинг янги мактабларида албатта ўз ифодасини топади.

Велосипедда сафар қилаётган сайёҳлар энди Самарқанд сари йўл олмақдалар. Урта асрлардан Хитойдан Европада қозғоғ бу шаҳар орқали ҳам ўтган...

Ажойиботлар

**КЎРҚУВ ОҒРИҚНИ
ҚОЛДИРАДИ**

Майда кемирувчилар уларнинг йирткич кушандасини кўриши билан дарҳол кўрқиб қочади ва ўзини панага олишнинг ҳама билади. Худди шу пайтда уларда оғриқни сезмайдиган туйғу пайдо бўларкан. Канадалик олим Мартин Кавалье сичқон устида олиб борган тажрибалари натижалари шуни кўрсатдики, агар сичқон хид билиш органлари орқали сувсиз хидини сезса, 15 дақиқа давомида оғриқ сезиш қобилиятини йўқотар экан, агар сувсиз хиди унга яна таъсир этса, у ҳолда оғриқни сезмаслик 45 дақиқага чўзилади. Кавальеннинг таъкидлашича, бундай хусусият одамда ҳам мавжуд экан.

**ЧИВИН КИМНИ
КЎПРОК ЧАҚАДИ?**

Бу саволга Қоҳира докторфунуни олимлари аниқ жавоб бердилар. Уларнинг фикрича, чивин ҳаммани ҳам қақармас экан. Бу нарсга одамнинг қандай матоддан кийим кийганлигига боғлиқдир. Чивинлар кўпроқ, шойи ва нейлондан кийим кийган кишини «ёқтиради». Бошқа кийимдагилар улардан кўркмасликлари ҳам мумкин.

Гузэл АСХАТОВА тайёрлаган.

Аҳолиси 2,5 миллионга яқин пойтахтимиз жаҳоннинг энг катта шаҳарлари қаторига киради. Шаҳримиз осийишталигини таъминлашда милиция ходимлари бир неча тезкор тадбирларни ўтказиб, қуноқ тун ўз хизмат вазибаларига виждонан ёндошган ҳолда хизмат қилишмоқда. Уларнинг хайрли ишлари ҳақида гапириб беришни Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, милиция полковниги, яқинда Ватанимизнинг юксак мукофоти — II даражали «Шон-шараф» ордени билан тақдирланган Турсунхон Худойбергеновдан илтимос қилдик.

— Кейинги пайтларда Тошкент таниб бўлмас даражада ўзгариб, унинг кўрқув-кўрқулиб бормоқда. Мустақил Ватанимизнинг пойтахти кўпалаб халқаро анжуман ва нуфузли учрашувлар марказига ҳам айланиб қолди. ИИББ ходимлари Шарқ маънави пойтахти талабларига яраша хизмат олиб боришлари учун нима ишлар қилишмоқда?

— 1997 йил Тошкент шаҳар ИИББ ходимлари учун масъулиятли йилдир. Президентимиз Фармонлари ва ҳукуматимиз қарорлари ижросини таъминлаш борасида жамоамиз ходимлари ҳар қачонгидан ҳам жипслик ва уюшқонлик билан хизмат қилишиб, жиноятчиликка қарши кураш, унинг ҳар қандай кўринишларининг олдини олиш, жамоат тартибини сақлашда қатор муваффақиятларга эришдилар.

Республикамиз пойтахти ҳамма-ми учун азиз ва муътабар гўша. Ўзгирган фурсат ичида жаҳоннинг энг намунали шаҳарларидан бирига айланиш лозим. Бу дегани фақат гўзаллик, маданияти билангина эмас, балки осийишталиги, тартиб-интизом юксаклиги билан ҳам жаҳондаги энг яхши шаҳарлардан бири бўлмоғи керак.

Ходимларимиз сайёҳ-ҳаракатлари натижасида жиноятчилик юқориди айтганимдек бир неча бараварга камайтирилди. Бугун Тошкентнинг ҳар бир фуқароси ва унга таъсир буюраётган меҳмонлар ўзини пойтахтда эркин ҳис қилишлари учун барча ишлар қилинган.

Бу йил Ўзбекистонимизнинг аҳли учун кўтүл келди. Қадимий ва навиқрон Наврўзимиз ҳар қачонгидан ҳам чиройли қилиб ўтказилди. Байрамларимизга байрамлар ула-ниб кетди. Мустақиллигимизнинг 6 йиллик тантаналари катта тўйга айланиб кетди. Илоҳ мустақиллигимиз мангу бўлсин!

Қолаверса, шўро даврида деярли йўқ бўлиб кетган байрамларимиз яна тикланиб, халқимиз томонидан кенг нишонланмоқда. Мен бу гапларни бекорга келтирганим йўқ. Байрам ва хурсандчилик кунларига осийишталик ярашади. ИИББ раҳбарияти ана шу байрам ва тантаналарнинг аъло даражада ўтиши учун барча тадбирларни ишлаб чиқиб, унинг тинч ва осийишта кечи-шида бор кучларини сафарбар этишди.

Халқимизнинг тинч ва осийиш-

талиги биз учун энг олий муқофот. Айтишди-ку «Орти тинчнинг ўзи тинч» деб.

«02»

ЮРТИ ТИНЧНИНГ ЎЗИ ТИНЧ



— Ҳозир бутун дунё афкор оммаси гиёвандлик моддаларнинг кенг тарқатилганлигидан ташвишда эканлигини сезиш унчалик қийин эмас. Пойтахт милицияси гиёвандликка қарши қандай курашмоқда?

— Ҳақиқатан ҳам гиёвандликнинг кенг тарқалиши жаҳон жамоатчили-гини ниятда қаттиқ ташвишга солмоқда. Унинг салбий оқибатларидан бири — СПИД касаллигининг келиб чиққанлигидан кўпалаб одамлар жабр кўришмоқда. Гиёвандлик моддаларининг тарқалиши натижасида жамият таназзулга юз тутди. Минг-миңлаб кишилар саломатлиги ҳавф остида қолади. Бу йилда қарши бизда кес-кин кураш олиб боришмоқда. Респу-бликамиз гиёвандликка қарши кураш,

уни ноқонуний равишда тарқатиш, со-тишининг олдини олиш бўйича тузил-ган барча халқаро ҳуқуқий битимлар-га қўл қўйган. Унга қарши кураш бо-расида бир қатор ташкилотлар иш олиб бормоқда. Шу жумладан, Тош-кент милицияси ҳам ўз олдига бу бо-рада жуда катта масъулиятли ишни вазифа қилиб қўйган.

«Қора дори» — 97 тездор тадбири давом этмоқда. Ўшбу режа асосида 24 та тезкор гуруҳ тузилиб, 12 та пост ташкил қилиниб, улар тегишли техник восита ва зарурий анжумлар билан таъминланган.

Қилинган ишларни рақамлар бил-лан ифода қилиш бўлса, Тошкент милицияси ходимлари томонидан

кимсалар қўлимишларига яраша жа-золарини олишган. Бу борада иш-лар давом этмоқда.

— Ноқонуний равишда қурол-ярроғ сақлаш ҳам қонунларимиз-да қатъиян тақиқланади. Шунга қарамадан айрим кимсаларнинг қўлимишларини эшитиб ёқа-ушладан ўзга чора йўқ...

— Милиция ходимлари бу йил ўз-ида ноқонуний равишда қурол сақлаётган фуқаролардан 630 дан ортқ ов милтигини мусодара қи-лишди. Жиноий мақсадда қўлланил-ган 26 та ўқотар қурол жиноятчи-лардан тортиб олинди. Россия Фе-дерацияси фуқароси А. Каграманян-нинг ёнидан гиёвандлик моддаси, нуқтали пичок, чарм кабура топи-лиди. «Мерседес» автомашинаси са-лонидан эса ханжар, РГД-5 грана-таси ва 5,6 миллиметрли ўқ чиқди.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Гиёвандлик ва бошқа жи-ноятларни содир этаётганлар жа-мият учун ниятда хавфлидир. Қу-рол-ярроғ, ўқ-дори ва контрабанда моддаларининг шаҳримиз ҳудудида қилиб келишига қарши бизда ҳар доим белгиланган тадбирлар ўтқа-зилиб турилади.

— Турсунхон ака, суҳбатимиз-ни бевосита ходимлар билан бошлагандик. Яна шу ходимлар билан унга яқун яшашни маъқул топдик. Қандай кишиларни ички ишлар идораларида ишлашга лойик деб биласиз?

— Милицияда ишлаш осон иш эмас. Бу ҳар томонлама чиниққан, мустаҳкам иродали, билимли киши-ларга хос касб. Шунинг учун бизда бир йиллик синов муддати белги-ланган. Бир йил ичида қимнинг кан-дайлиги маълум бўлади. Яна шол-нинг ичида қурмаги бўлганида ҳа-лол, виждонли ходимларимиз билан баъзи нопок ходимлар ҳам ўчраб ту-ради. Биз уларни аниқлаб, тегишли чора кўрмоқдамиз. Бирок, ўз иши-ни сеувчи киши ҳар қандай шароит-да ҳам ақл-идрок билан иш юрита-ди.

Гап шахсий таркиб ҳақида бо-раётган экан, бизда ҳар ҳафтада «Маърифат соати» ўтказилиб, унда Президентимиз Фармонлари, ҳуку-матимиз қарорлари, Тошкент шаҳар ҳокими фармойишлари, вазирли-мизда ИИББ томонидан қабул қи-линган ҳужжатлар ўрганиб борила-ди. Бу дарсга танкили олимлар, ёзувчилар, шоирлар тақлиф этила-ди. Тарбиявий ишда гап қўп. Ходим-ларни она-Ватанга муҳаббат руҳи-да тарбиялашда «Маърифат соати-нинг аҳамияти катта.

...Тошкентнинг тун осийишта. Одамлар дам олмақда. Милиция хо-димлари одатдагидек сергаклик билан хизмат бурчларини ўтамоқдалар. Ша-ҳарда тинчлик ҳукм сурмоқда. Бунда эса қарилар айтганидек ҳикмат қўп.

Суҳбатчи

Мирза АБДУЛЛАЕВ ва
Дилшод ИСРОИЛОВЛАР
ёзиб олишди.

Биласизми?

**ҚАВАТЛИ
УЙЛАРДАГИ
КАСАЛЛИК**

Қўп қаватли уйлардаги ка-салликлардан аслида Аме-рика ва Европа кўпроқ ази-ят чекмоқда. Аммо эндилик-да у Осиёга ҳам кўчмоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсат-моқдаки, Жакартадаги қўп қаватли уйлар ташқи қўри-ниш чиройли бўлгани билан инсон соғлиги учун жид-дий ташвиш уйғотмоқда, яъни унда яшовчилар кўп-роқ беш оғриги, дармонсиз-лик, бел оғриги, тумов ка-салликларига, чалинишмоқ-да. Бунга эса авваламбор бу уйлар ҳаво ўз шароитида айланганига тўқсунлиқ қи-лиши, карбонат ангидрид газ-нинг уйлар атрофида йиғи-либ қолиши сабаб бўлмоқ-да.

Бундан ташқари палос ва пластик материаллардан ҳаддан ташқари кўп фойда-ланиш рақ тўқималарининг пайдо бўлишига ва ривож-ланишига туртки бераркан.

**КУМНИНГ
ҲОҲДАСИ**

Одатда аёллар турли хил крепларни юзларига сурқаб, уларни «ёшартиришди». Лекин Миср аёллари эса... Уларнинг таъкидлашларича, агар юзга мунтазам равиш-да қум маскаси қўлиб турил-са, юз териси ёшараркан, кўз остидаги ва бошқа ажи-лар текисланиб йўқоларкан.

Қуёш нурида қизган қум-га ярим соатгина баданин-гизни қўмиб ётсангиз жис-моний ва асабий толиқиш тарқаб кетар экан.

**СЕМИРИШНИ
ҲОҲЛАЙСИЗМИ?**

Агар семиришни истасан-гиз кўпроқ телевизор кўри-нг. Йўқ, йўқ, ақлиси теле-визорга қамроқ тикилганин-гиз маъқул. Чунки семириш ҳам...

Гарвард университетини олимлари қизқарлиқ тажри-бага ўтказишди. Текшириш 6 миң нафар турли ёшдаги одамлар орасида олиб бо-рилди. Маълум бўлишича, телевизорни бир кеча-кун-дузда 3 соатдан ортқ то-моша қилинса, инсон оғир-лигининг ортиши тезлашар-кан. Айниқса, 18 ёшдан 26 ёшгача бўлганлар орасида бу жараён янада таъқорлик билан ўтаркан. Шунинг учун «Соғлиқнинг ўз қўлида» де-ган иборани доим ёдда сақ-ламоқ даркор.

Гузэл ХОЛИҚОВА тайёрлади.



Пойтахтимиз кўчалари йилдан-йилга гўзаллашиб бормоқда. Уларнинг икки ёнидаги кўркам дараклар бу кўчаларга янада чиройли ҳусн бахш этмоқда.

1. Уйингизга янги ги-лам сотиб олмақчисиз? Уларнинг уч хил ранга-гиси бор, сиз қайсисини танлайсиз?

а) Қизил — 6 балл.
б) Кўк — 2 балл.
в) Сариқ — 5 балл.

2. Сизни меҳмонга ча-қиришди. Қандай кийи-нишни хоҳлайсиз?

а) Оқ кўйлак билан шим — 3 балл.
б) Жуда олифта кийи-нишни — 1 балл.

3. Қўп йилдан бери кў-ришмаган яқин танишин-гизни тўсатдан учрати-б қолдингиз. Сиз ўзингиз-ни қандай тутасиз?

а) Ҳеч кимга аҳамият бермасдан дўстингиз билан қучоқлашиб кў-ришасиз — 4 балл.

б) Енгил кулиб, қўли-нгни узатасиз — 3 ба-лл.

в) Таниш бўлса керак деб бошингизни қимир-латиб қўясиз — 1 балл.

4. Танишларингизнинг уйда меҳмонда бўлган-да сизга ёқимли одамни кўрасиз, сиз нима қи-ласиз?

а) Таомлар, янги

фильмлар ҳақида гап бошлайсиз — 6 балл.

б) Ўзингиз гап бош-лайсиз ва унинг нимага қизиқшини сўрайсиз — 8 балл.

в) Гапни бошқа томон бошлашини кутасиз — 4 балл.

5. Кечқурун телевизор кўриб ўтирибсиз. Юқори-даги қаватда кўшнларни-нг шовқин-суронини эши-тасиз. Шунда нима иш қиласиз?

а) Кўшнни хотинини уряпти деб ўйлаб, унинг уйига юғурасиз — 5 балл.

б) Аҳамият бермайсиз — 3 балл.

в) Телевизор овозини пасайтириб, улар нима қилишаётган экан деб қи-зикасиз — 6 балл.

6. Туғилган кунингиз арафасида бир танишин-гиз пакетда совғалар кел-

тирди. Сиз нима қиласиз?

а) Пакетни ўша заҳоти очасиз — 7 балл.

б) Туғилган кунингиз бошланганда очасиз — 4 балл.

в) Кичкина тешиқчаси-дан ичида нима бор экан

Тест

**СИР САҚЛАЙ
ОПАСИЗМИ?**

балл.

5. Кечқурун телевизор кўриб ўтирибсиз. Юқори-даги қаватда кўшнларни-нг шовқин-суронини эши-тасиз. Шунда нима иш қиласиз?

а) Кўшнни хотинини уряпти деб ўйлаб, унинг уйига юғурасиз — 5 балл.

б) Аҳамият бермайсиз — 3 балл.

в) Телевизор овозини пасайтириб, улар нима қилишаётган экан деб қи-зикасиз — 6 балл.

6. Туғилган кунингиз арафасида бир танишин-гиз пакетда совғалар кел-

деб қизикасиз — 5 балл.

7. Сиз семириб кетган-ман деб ўйлайсизми?

а) Ҳеч қачон — 3 балл.

б) Семириб кетишдан сақланиш учун парҳез қи-ласиз — 6 балл.

в) Семиришдан кўрк-масдан кўп овқатланаве-расиз — 7 балл.

8. Дўстларингиз билан бўлган ўтиришда қанча ича оласиз?

а) Кўнгил кўтарганча — 3 балл.

б) Умуман ичмайсиз ёки озроқ ичасиз, чунки ичишни ёқтирмайсиз — 1 балл.

в) Бошингиз айланганч,

тўхтатасиз — 2 балл.

Балларингиз 25 тага етмаса: сиз жуда оғир-босиқсиз. Дипломатик фельга эгасиз. Сир сақ-лай билиш сизнинг фа-зилатларингиздан бири-дир. Кўпчилик сизни тошбағир деб ҳисоб-лайди. Лекин ундай эмас, сабаби дўстларин-гиз учун ҳамиша вақт то-па оласиз. Уларга ёрда-мингизни аямайсиз.

25 балдан 35 балгача: сиз одамлар билан жуда тез гаплашиб кета ола-сиз. Сизга биров ўз си-рини айтса, сир сақлаш қўлингиздан келади. Очқик кўнглисиз.

35 балдан 45 балгача: сиз кўпчиликка сеvimли одамсиз, сабаби ҳамма-вақт одамларни қулдира оладиган қизқ гапларни айта оласиз. Бировнинг сирини билсангиз, эши-та сола уни бошқаларга айтмоқчи бўласиз, лекин баъзан кўнглингизда шу-ни айтмаган маъқулроқ деб ҳисоблайсиз.

Бахриддин ТУРҲУНОВ тайёрлади.

ЯХШИ ИШЛАРИ ҚОЛДИ

«Яхшидан ном қолади», дейди халқимиз. Агар бу таъриф ўз халқининг фидоисини ва жонқуряига, қу-рувчи ва олим, жамоат аربобиға бериладиган бўлса, унга қўшимча қи-либ ушбу инсоннинг эзгу ишлари, илмий мероси, жамиятга келтирган на-фани ҳам айтиш лозим-дир.

Бутун умрини халқ фа-ровонлигига бахшида қилган ана шундай инсон-лардан бири Ҳусниддин Асомов эдилар.

Олий ўқув юртини битиргандан сўнг Х. Асомов тез орада республикамиз қурувчилари орасида чқуор били-ми, меҳнатсеварлиги, ташкилотчилик қобилиятлари билан ўзга ташланди. Айниқса унинг бу хислатлари шаҳар ижроия қўмитасининг раиси сифатида машҳур Тошкент зилзиласи оқибатларини бартараф қилиш штабига бош-чилик қилган даврларда тўла намоён бўлди. У киши та-бийи офатдан захмат чеккан тошкентликларнинг барча муаммоларини тезлик билан ҳал этиш, шаҳримизни тик-лаш учун куч ва ғайратларини ҳам, вақтини ҳам асло аямас, кўнни тунга улаб меҳнат қилардилар. Бундай бе-ҳаловат ва сермашаққат иш Ҳусниддин аканинг соғлиқ-ларига таъсир қўрсатмай қолмади.

1972 йилдан бошлаб Ҳусниддин Асомович Тошкентда-ги турар жой ва жамоат биноларини лойиҳадаштириш илмий-тадқиқот-тажриба-лойиҳа институтига раҳбарлик қила бошладилар. У киши бутун илмий фаолиятини Тош-кент қурилиши учун жуда муҳим иморатлар зилзилабар-дошлиқни таъминлашга қаратдилар. Илгирима йил даво-мида бевосита Х. Асомов раҳбарлигида ҳозир ҳам мус-тақил давлатимиз ҳуснига ҳусн қўшиб турган бинолар лойиҳалари яратилди. «Ўзбекистон», «Турон» меҳмонхо-налари, республика Марказий банки, Авиасозлар мала-ният саройи, Ички ишлар вазирлиги академияси, Тошкент метрополитенининг Амир Темур ва Чкалов метро бе-катлари шулар жумласидандир.

Ҳусниддин Асомовнинг Марказий Осиё республикала-ридаги кўнгина ноёб биноларни барпо этилишида ҳам бевосита ҳиссалари бор. У киши институт жамоасига раҳ-барлик қилар экан, Ўзбекистондан ташқари бу республи-каларда бунёд этилаётган, уй-жойлар, қўп қаватли бино-лар, иншоотлар лойиҳаларини тайёрлаб берганлар. Ҳу-сусан Ашхабод, Душанбе, Бишкекдаги турар жой бино-лари, мактаб ва боғчалар, дам олиш уйлари, бошқа ин-шоотлари лойиҳаларининг 65 фойда институтимиз жа-моаси томонидан тайёрлаб берилган.

Институт жамоаси Ҳусниддин Асомовични талабчан, айна пайтда гапхўр ва меҳрибон етакчи сифатида жуда ҳурмат қилар эдилар. У киши ёш мутахассисларни тар-биялаб етказишга жуда катта эътибор берар эдилар. Айни пайтда институт жамоаси аъзолари турмушлари билан ҳам яқиндан қизқар эдилар. Кўпалаб лойиҳачиларимиз, ходимларимиз бевосита Ҳусниддин аканинг сайёҳ-қа-талари тўғрисида уйлук бўлдилар. Ҳусниддин Асомов раҳ-барлигида кўпалаб илмий ишлар ёқланди. Уларнинг шо-ғирдлари ҳозир республикамиз турли муассасаларида ил-мий фаолиятларини давом эттирмоқдалар.

Ватан, халқ йўлида қилинган сидқиқидан меҳнат муно-сиб баҳосини топти. У киши кўпалаб давлат муқофотлари-га сазовор бўлган. Шаҳримиз кўшнларидан бири ҳамда инсти-тутимиз ҳам Ҳусниддин Асомов номи билан аталishi у ки-шининг катта хизматларидан далолат бериб турибди.

Бугунги кунда ҳам институтимизда устознинг қўпдан-қўп шоғирдлари меҳнат қилмоқдалар.Улар ҳам устозла-ридек Тошкентни янада кўркам қилишга астойдил ҳара-кат қилмоқдалар. Лойиҳачиларимиз хизмати сингган ян-ги-янги ноёб иншоотлар устоз хотирасига боқий ёдгўр-лик бўлиб қолиши шубҳасиздир.

Саидаълам ХҲЖАЕВ,

«Ўзбекистон турар жой ва жамоат биноларини лойи-ҳадаштириш илмий-тадқиқот-тажриба институти» хиссдорлик жамиятининг бош директори.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Тошкент
Оқшоми**

Сиз